

**Бахтиёр Бобокулов**

**АРХИВ ИШИ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БАХТИЁР БОБОҚУЛОВ**

**АРХИВ ИШИ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ**

**5320300 - Архившунослик бакалавриат таълим йўналиши  
талабалари учун ўқув қўлланма**

**“Сано-стандарт” нашриёти  
Тошкент – 2011**

УДК: 930.25(075)

ББК: 79.3

Бобоқулов, Бахтиёр.

Архив иши назарияси ва амалиёти:  
5320300-архившунослик бакалавриат таълим  
йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма /  
Б. Бобоқулов; масъул мухаррир М.М.Ҳайдаров;  
ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.  
—Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2011. – 88 б.

I. Ҳайдаров, М.М.

УДК: 930.25(075)

ББК: 79.3

ISBN 978-9943-396-47-0

Мазкур ўқув қўлланмада “архив” ҳужжатлари ва “архив”  
тушунчаси, архив ишини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари,  
шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳамда  
архивларни бутлаш, ҳисобга олиш, илмий маълумотнома  
аппаратини ташкил этиш ва архив ҳужжатларидан фойдаланиш  
тартиби ҳақидаги кенг маълумотлар ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларида «Архившунослик»  
йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар ва кенг жамоатчилик  
учун мўлжалланган.

*Тақризчилар:*

М. М. Исломов – тарих фанлари номзоди, доцент

Н. Ю. Жўрабоев – тарих фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-396-47-0



© «Сано-стандарт» нашриёти, 2011.

## Кириш

Мустақиллигимиз қўлга киритилган дастлабки кунларданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Истиқлол йўлимизни танлаганимизга тарихий нуқтаи назардан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ўтган давр ичидаги мамлакатимиз ижтиёмий-иқтисодий, маъданий-маърифий ҳаётида эътиборга молик ишлар қилинди. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган нодир қўлёзмаларни, шунингдек, ҳужжатчилик нинг тарихини ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини чуқур ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ҳусусан, бу борада юртимиз тарихининг кўхна ва бой, шу билан бирга, биз учун номаълум, ўқилмаган саҳифаларини холис, чуқур ва мукаммал ўрганишга, тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратили бошланди. Архив ва ҳужжатчилик соҳасига ҳам ҳукуматимиз томонидан алоҳида устувор сиёсат сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бинобарин, *Юнон ва Рим тарихчилари таъкидлаганларидек: «Ҳар бир давлатнинг ўтмишида архиви, қадимий ҳужжатчилиги яхши сақланган бўлсагина шу давлатнинг келажак ҳаёти гуркирайди».*

Шу маънода ҳақли савол туғилади? Архив ўзи нима? Архив, - Лотинча «*archive*» – ҳукумат биноси сўзидан олинган. Лекин архив атамасининг ҳозирги қўлланиш маъноси бутунлай бошқача.

Чунончи, архив – бу идоралар корхона ва ташкилотлар, шунингдек, тарихий шахслар фаолиятига оид ҳужжатлар сақланадиган жой.

Дарҳақиқат, архив материаллари ва ҳужжатчилик борасида Марказий Осиё миқёсида энг қадимги ва улкан архив марказлари мамлакатимизда мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивлари эканлиги барчамизга маълум.

Ҳозирги кунда фуқаролар, архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг асл нусхаларидан илмий-амалий жабҳаларда кенг фойдаланишмоқда, бу эса ноёб ҳужжатларнинг узлуксиз равишда ишлатилиши, ҳужжатларнинг илмий-назарий қийматининг йўқолиб боришига асос бўлмоқда.

Бу каби муаммоларни ҳал этиш борасида мамлакатимизда етарлича ҳукуқий база такомиллаштирилмоқда ҳусусан, Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралда 49-сонли "Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор ва бошқа қабул қилинган меъёрий хужжатларга мувофиқ, келгусида архив марказлари замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланиб, барча илмий-тарихий ва ноёб қўлёзмаларнинг электрон вариантлари жойлаштирилади. Амалий натижা шуни кўрсатадики, барча фойдаланувчи фуқаролар ва илмий ишларни олиб борувчи тадқиқотчи олимлар ушбу мувофиқлаштирилган электрон ахборот тизими орқали архивдаги барча хужжатларни қўриш ва электрон нусхалар кўчириш ва фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар. Бу борада таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши бу соҳанинг ривожи учун катта амалий турткни бўлиб хизмат қилди. Мазкур Қарорнинг ижроси юзасидан архив соҳаси бўйича умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурсларини кескин кўпайтириш ва ривожлантириш, Интернет тармоғи орқали улардан кенг фойдаланиш имконини берувчи архив порталларини яратиш, электрон архивларни жорий этиш ҳамда ахборот хизматларини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича 2010 йилгача бўлган Дастур ҳамда аниқ ва мақсадли тадбирлар режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги томонидан ишлаб чиқилди ва мазкур режани бутун қутии архив муассасаларига жорий этиш масалалари кенг йўлга кўйилди.

## **1-мавзу: “Архив иши назарияси ва амалиёти” фанининг мақсад ва вазифалари**

### **Режа:**

1. Архив иши назарияси, амалиёти, архив ишини ташкил этиш, унинг мақсад ва вазифалари.
2. Фанинг тушунчаси ва унинг таркибий кисмлари.
3. Фанинг объекти ва предмети.
4. Фанинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

### **1. Архив иши назарияси, амалиёти, архив ишини ташкил этиш, унинг мақсад ва вазифалари.**

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида ри-вожланиши ва бозор иктисодиётига асосланган ҳукукий-демократик давлатнинг барпо этилишида архив муассасаларининг ўрни бекиёсdir. Бугунги кунда Республика архив иши соҳасида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улар 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Архивлар тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги «Архив бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» ва 2004 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари асосида ўтказилмоқда.

Архив иши назарияси, амалиёти ва ҳужжат юритиш йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган ушбу ўкув кўлланма Ўзбекистон архив иши тарихи, назарияси ва амалиёти каби муҳим масалалар бўйича билимларга эга бўлишга кўмаклашади.

Хусусан, “архившунослик” фанларида архив ҳукуки асослари, давлат архивларида доимий саклаш учун ҳужжатларни ажратиб олиш, улар сақловини таъминлаш тамойили ва услублари, архив материалларини саклаш усуллари, ҳужжатларнинг мазмуни тўғрисидаги илмий маълумотномалар тизимини яратиш, улардан фойдаланиш, архив муассасалари ишини ташкил этиш каби масалалар илмий жиҳатдан баён этиб ўргатилади ва ўрганилади.

### **2. Фанинг тушунчаси ва унинг таркибий кисмлари.**

“Архив иши назарияси ва амалиёти” фани моҳиятини тушунтиришдан олдин «архившунослик» термини (атамаси) мазмунини ёритиб берсак.

Архившунослик – архив ишининг назарий, амалий, ҳукукий ва

методик масалаларини яхлит равишда ишлаб чиқарувчи фан тармоғидир. Яхлит фан тармоғи сифатида архив иши назарияси ва амалиёти қўйидаги таркибий кисмлардан иборат:

- архив ишининг ташкил этилиш тарихи;
- архив иши назарияси ва амалиёти;
- археография;
- архив ҳуқуки;
- архив бошқаруви;
- архив статистикаси;
- автоматлаштирилган архив технологиялари.

Архив ишининг ташкил этилиш тарихи обьекти архив муассасалари фаолияти, архив фонди ва ҳужжатларининг пайдо бўлишини ўрганиш ҳисобланиб, унда маълум бир давлат архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари ёритилади.

*Археография* – ёзма тарихий манбаларни нашр этиш назарияси ва методикаси билан шуғулланиб, архив ҳужжатларини эълон қилиш орқали улардан илмий-оммабоп мақсадда фойдаланиш масалаларини ҳал қиласди.

*Архив ҳуқуқи* – архив хизматлари фаолиятини белгилаб берувчи қонун ва меъёрий ҳужжатларни ўргатишга қаратилган фан тармоғи.

*Архив бошқарувчи* – архив ишини ташкил этиш ва бошқариш масалаларини ёритади.

*Архив статистикаси* – бошқарув ҳужжатлари тизимини ташкил этади, ҳисоб-китоб ва статистик кузатувлар орқали истиқболли режалар ишлаб чиқади.

*Автоматлаштирилган архив технологиялари* – архив маълумотларини қайта ишлаш ва қидириш ишларини компьютер техникалари ёрдамида такомиллаштириш назарияси ва услубиётини ўргатади.

Юқорида баён этилган архившуносликнинг асосий таркибий кисмларидан яна бири архив иши назарияси ва амалиёти саналади (АИНА).

### **3.Фаннинг обьекти ва предмети.**

Архив иши назарияси ва амалиёти тадқиқот обьектига архивда сақланувчи ва сақланиши керак бўлган қоғозли асосдаги матнли ҳужжатлар, илмий-техникавий, тиббиёт ва кино, сурат, овозли ҳужжатлар, микрофильм ва бошқа манбалар киради.

“Архив иши назарияси ва амалиёти” предметига ҳужжатлар билан илмий ишлашнинг қўйидаги тамойил ва усуллари киради:

Давлат архивларида ҳужжатларни сақлаш учун аниқлаш ва ажратиб олиш;

- улар сақловини тўлақонли таъминлаш;
- ҳужжатларни сақлашни таъминловчи усулларни ўрганиш;
- ҳужжатлар мазмуни тўғрисидаги маълумотлар тизимини яратиш;

- улардан атрофлича фойдаланишини ташкил этиш;
- архив муассасалари ишини ташкил этишни ўрганиш ва илмий жиҳатдан ишлаб чиқиши.

Мазкур ишларни ташкил қилишда тарихийлик тамойилига асосланилади.

Архив иши назарияси ва амалиёти тарихийлик тамойили – илмий тамойил бўлиб, унга мувофиқ архившунослик обьекти ва предмети аниқ тарихий шароит ҳамда обьект ва предметнинг тараққиёти қонунларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилади.

#### **4. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.**

“Архив иши назарияси ва амалиёти” мустакил фан тармоғи бўлишига қарамай, ўз мақсад ва вазифаларини ечишга бир қатор гуманитар ва табиий фанлар, илмий йўналишларга таянади. Хусусан, тарих, давлат муассасалари тарихи, манбашунослик, ёрдамчи тарих фанлари, ҳужжатшунослик, физика, кимё, биология каби фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади.

**Тарих фани** – инсон жамиятининг тараққиёти жараёнларини, мазкур ривожланишнинг сабаб ва омилларини ўрганади. Мазкур фан ютуқларига асосланиб, архившунослик ҳужжатлари билан ишлаш услублари яратилади.

**Давлат муассасалари тарихи** – муассаса, ташкилот, идораларнинг ташкил этилишидан то охирги кунгача бўлган тизими ва вазифаларини ўрганади. У турли хил муассасаларнинг фаолияти ва вазифалари доирасига кўра архив фондларини ташкил этиш ўйларини аниқлашда ёрдам беради.

**Манбашунослик** – архив ҳужжатларини давлат сақловига танлаб олишда, туркумлашда ва таъриф беришда, ҳужжатларнинг ташқи ва ички таҳлилини олиб бориша ёрдам беради.

Архившуносликнинг ёрдамчи (маҳсус) тарих фанлар билан боғлиқлигини ўрганишда қўйидаги фанларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур:

**Палеография** – қадимги қўлёзмаларни ўқиши, санасини ҳамда аслини аниқлаш мақсадида уларнинг ёзма белгилари ҳамда бошқа ташқи аломатларини ўрганади. Демак, палеография қадимги

кўлёзма хужжатларни саклаш учун танлаб олишда уларнинг муаллифи, яратилган жойи, санасини аниқлаш ва мазмунини ўқиб тушишида ёрдам беради.

**Тарихий хронология** – тарихда мавжуд бўлган вақт бирликлари замонавий вақт бирликларига таққослаб билиш ва хужжатлар яратилган жойини аниқлаш учун фойдаланилади.

**Тарихий метрология** – қадимги даврдаги ўлчов бирликларини тушуниш ва уларни замонавий бирликлар билан солиштириш, хужжатларнинг яратилган жойи ва вақтини аниқлашга кўмаклашади.

**Сфрагистика** – ёрдамида хужжатларга кўйилган муҳрлар орқали уларни қайси давлат, ҳудуд, идора, фамилия ёки шахсга тегишли бўлганлигини аниқлаш мумкин.

**Гералдика** – давлатлар гербларининг келиб чиқиши, рамзларининг ижтимоий-хуқуқий можиятини аниқлашга ва тушунишга ёрдам беради.

Бундан ташқари эпиграфика, генеология, нумизматика, дипломатика ва тарихий география каби ёрдамчи фанлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Хужжатшунослик” фани архившуносга хужжатларнинг пайдо бўлиши қонуниятларини тушунишда, уларни яратиш усуллари бўйича ажратиш, ҳаракатини ташкил этиш ва хужжатлаштириш тизимини қуриш тамойилларини ишлаб чиқишида ёрдам беради. Хужжатшунослик усулларига асосланиб архившуносликда турли хил эксперимент-тажрибалар ўтказиш мумкин.

### **Савол ва топшириқлар.**

1.“Архив иши назарияси ва амалиёти” фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

- 2.Фан тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари.
- 3.Фаннинг обьекти ва предмети.
- 4.Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

## **2-мавзу: Ўзбекистонда архив ишини бошқаришнинг хуқуқий асослари.**

### **Режа:**

1. Архив хуқуқи атама ва тушунча сифатида.
2. Ўзбекистонда архив иши ва унинг хуқуқий асослари тарихи.
3. “Архив хуқуқи” фанининг предмети, объекти, тамойиллари ва манбалари.
4. Архив хуқуқи нормалари (диспозиция, гипотеза, санкция) ва уларнинг таркибий қисмлари.

### **1. Архив хуқуқи атама ва тушунча сифатида.**

Мустақилликнинг ilk кунлариданок давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида мамлакатимизнинг илмий-тарихий ва ўтмишимизни холис ёритишга асосланган манбаларни тадқиқ этиш, шунингдек, ўзлигимизни гавдалантирадиган ҳужжатчилик тизимини вужудга келтириш, бу борада давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий шароитларини яратиш борасида тизимли, босқичма-босқич ислоҳотлар стратегијаси белгилаб олинди.

Бу йўлда амалга оширилган хуқукий ислоҳотлар ҳужжатчилик соҳасини давлат ва жамият қурилиши тизимидағи роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш бўйича изчил, босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу соҳадаги ислоҳотларни мустақиллик давридаги тарихий ривожланишдан келиб чиқиб, шартли равиша да икки босқичга ажратиш мумкин. Бу босқичларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида муҳим ўрин эгаллади.

**Дастлабки босқич – 1991-2001 йиллар.** Мазкур босқич мустақил Ўзбекистон ҳужжатчлик тизими пойdevorини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги "Архивлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида 769-1-сонли Қарори, 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Архивлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (N 768-1-сонли), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги N 482-сонли “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва унга 1- илова қилинган “Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисида”ги Низом, шунингдек, 2-илова “Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини Давлат

рўйхатидан ўтказиш тартиби”, ҳамда 482-сонли қарорга 4-илова “Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти ва бошқаруви ор-ганлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотлардаги идоравий Ар-хив тўғрисида”ги намунавий Низомларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 25-ноябрда № 841сон билан рўй-хатга олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 21 августда № 147-сон билан тасдиқланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви билан 1999 йил 5 ноябрда келишилган “Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисида”ги қоидалар мажмуини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2001 йил 29 январдаги № 191-сонли “Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив хужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги маҳсус комиссия тўғрисидаги Низомни тас-диқлаш тўғрисида”ги Қарори ва ушбу Қарорга илова қилинган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Кенгashi томонидан 29 январь 2001 йил 191-П-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив хужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги маҳсус комиссия тўғри-сида”ги Низомларнинг тасдиқланиши мазкур соҳадаги хукуқий ислоҳотларни чуқурлаштирилишига ижобий таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, биринчи босқичда амалга оширилган хукуқий ислоҳотлар жараёнида республикада хужжатчилик ва архив соҳасидаги янги ижтимоий тузумларнинг асослари яратилди.

**Иккинчи босқич – 2001 йилдан хозирга қадар.** Бу босқич-даги устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа мамлакатимизда ушбу соҳадаги амалга оширилаёт-ган ишлар самарадорлигини ошириш ва изчилликни таъминлашдан иборат бўлди. Бу босқичда мустақил ривожланиш йилида тўпланган тажрибани таҳдил этиш ва умумлаштириш энг асосий вазифа сифатида давом эттирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 3-февралдаги № 49-сонли “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 июндаги № 131-сонли Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 30 октябрдаги 482-

сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 июнь №1685-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007-йил 14-апрель №11/3-сон Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида" (2007 йил 12 июндан кучга киради) ги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 августда № 1703-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июль №18-сонли буйруғига асосан "Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш тартиби бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида" (2007 йил 23 августдан кучга киради) ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 28 майда №1053-2-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўкув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш Коидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги ПҚ-949-сонли "Корея Республикаси Ҳукуматининг грант маблагларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивларини Реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги №194-сонли "Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори каби мамлакат миқёсидаги энг муҳим ҳужжатлар ушбу соҳадаги ислоҳотарнинг ривожланишига катта туртки бўлиб хизмат қиласи. Юкорида тилга олинган соҳадаги ҳукукий асослар архив тизимидағи ягона ва энг асосий бирламчи вазифаларнинг амалга оширилиши ҳамда ёш авлодни ҳукукий онгининг юксалишига катта таъсир кўрсатади.

Бу борада архив соҳасидаги асосий тушунчаларнинг ҳам ўрни бекиёс. Хўш, архив ўзи қандай тушунча? Архив бу – архив ҳужжатлари мажмуи, шунингдек, архив муассасаси ёки корхона, муассаса ва ташкилотнинг архив ҳужжатларини қабул қилувчи, сақловчи ва улардан фойдаланувчи таркибий бўлинмаси хисобла-

ниши "Архивлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг З-моддасида атрофлича ўз ифодасини топган. Хусусан, архив хужжатлари деганда – қонун хужжатларида назарда тутилган тегишли экспертиза асосида архив аҳамиятига молик деб топилган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган хужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек, турли моддий ашёлардаги ёзувлар тушунилиши, архив фонди деганда – тарихий ёки мантикий жиҳатдан бир-бири билан алоқадор архив хужжатлари мажмуини англатиши, архив иши эса – архив хужжатларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, саклаш ва улардан фойдаланишни ташкил этишга оид фаолият эканлиги, архив хужжатларини доимий саклаш деганда – уларни архивда, музейда, кутубхонада чекланмаган муддатларда саклаш ҳамда архив хужжатларини вақтинча саклаш эса – уларни архивларда қонун хужжатларида белгиланган давр мобайнида саклаш каби тушунчалар ёритилган.

## **2. Ўзбекистонда архив иши ва унинг хуқуқий асослари тарихи.**

Тарихни билмоқ, уни ўрганмоқ ўзини шу юртнинг фарзанди деб билган, Ватан ғурурини кўксида ҳис этган ҳар бир инсон учун муҳимдир. Зоро, тарихни билмай туриб юртимизнинг бугуни ва келажаги ҳақида қайғурмоқ ўринсиздир. Мана шу тарихни ўзининг олтинга teng қалбларига жо этган хужжатлар архив деб атальмиш масканлар бағрида сакланмоқда. Юртимизда биринчи архив бундан қарийб юз йил мукаддам, аниқроғи 1919 йили ташкил этилган бўлиб, 90 йил мобайнида унинг сони юздан ошиб кетди. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда З та Марказий давлат архивлари, 80 дан зиёд давлат архивлари фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзининг бебаҳо хужжатларига эга бўлгани барабарида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ўз хужжатларининг ҳажми ва тарихийлиги билан улар ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Архивнинг олтин фондида сакланбаётган Бухоро Амирлиги, Хива, Кўқон хонлиги, Туркистон Генерал Губернаторлиги фондлари, тарихий вақф хужжатлари тўпламлари, қозикалонлар хужжатлари, архивнинг шахсий фондларида сакланбаётган тарихчи олим Муҳаммад Юлдашев, СССР Халқ артистлари Лутфихоним Саримсоқова, Раҳим Пирмуҳамедов, шоир Боту, Тошкент тарихини хужжатларида акс эттирган Борис Николаевич Засышкин, география фанлари доктори Николай Гурьевич Малицкий, Ўзбекистонда хизмат кўрсаткан ихтирочи Борис Павлович

Грабовский ва бир қатор илм даргоҳининг жонкуярлари хужжатларини ўзида жамлаган фондларимиз архивимиз нуфузини янада кўтаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 20 та хужжат сақлов ҳоналарида бир миллион олти юз мингдан ортиқ қимматбаҳо манбалар сакланмоқда.

Хусусан, тарихга бир назар ташлайдиган бўлсак, советларнинг ҳокимият тепасига келишига сабабчи бўлган октябрь инқилобининг биринчи кунларидаёқ ҳалқимизнинг ижтимоий ҳаётида тоталитар бошқарув механизми, буйруқ бериш усули ўрнатилган эди. Бундай назорат ҳалқимизнинг диний ҳаётида, шунингдек, тарих фани ва ватанимиз архившунослик устидан ҳам ўрнатилган эди. Натижада, тарих фани ва архившунослик - сиёсий фанлар бўлиб қолди. Илмий тадқиқотлар ва архившунослик советлар ҳукмрон синфининг ғоявий танқидларига учраб, илмий-изланиш имкониятлари ҳам чеклаб қўйилди ва “ҳалқимизнинг ҳақиқий тарихи, октябрь инқилоби ғалабасидан сўнг бошланди”, деб таъкидланди. Инқилобгача мавжуд бўлган адабиётлар, санъат, тарихий тадқиқотлар ҳукмрон ғоялар билан суғорилган, улардаги асрий миллий қадриятлар ва урф-одатлар давлат тараққиёти учун зид деб, таъкидланди ва уларни йўқотишга ҳаракат қилинди.

Ўз-ўзидан совет маданий сиёсатининг оғриқли касалликлари ўлгадаги архив ишига ҳам таъсир қилди. Аммо шуни айтишимиз лозимки, ўша даврда ташкилий режалаштиришда мақтовли ишлар амалга оширилди. Октябрь инқилобидан сўнг вужудга келган тоталитар тузум, марказий бошқарув ва ғоялар асосида қурилган бўлиб, субъектив жиҳатдан давлат архив ташкилотларини ривожлантириш тизимига муҳтоҷ эди. Шўролар ҳокимияти раҳбарлари яхши биладиларки, коммунистик ғояларнинг бажарилиш вазифаларининг мұваффакиятли олиб борилиши кўп жиҳатдан қанчалик манбалар кўп тўпланишига, тадқиқотчilar қайси манбалардан кўпроқ фойдаланишига ҳам боғлиқ эди. Дунё оммасига шўролар тизимини яхши томондан кўрсатиш зарур эди.

Буларнинг бари хужжатли материалларнинг маҳсус бошқарув марказига концентрация қилиниши ҳукумат вакиллари учун ва давлатчилик сиёсий цензурасида эффектив инструмент вазифасини ўтаб бериши талаб қилинар эди. Шунинг учун янги шўролар ҳукумати архив идоралари тизимининг тикланишига алоҳида эътибор қаратилди.

1918 йилнинг апрелида собиқ РСФСР ҳукумати В.И.Ленин ташабуси билан марказий архив идоралари бошқармасини тузиш ва архив ишини қайта қуриш ва марказлаштириш хусусида қарор қабул қиласди, ўшандага ҳукумат топширигига кўра "архив ташкилотлари бошқарувини ташкил этиш учун" маҳсус комиссия тузилади. 1918 йилнинг 27-28 майида Москвада М.Х.Покровский радислигида мажлис бўлиб, Марказий архив бошқармасини тузишни режалаштириш хусусида келишиб олинди. Унда Марказий архив иши бошқаруви режаси маърузаси эштилиди.

Вакт ўтиши билан архив иши нафақат ҳужжатлар сақловини амалга ошириш балки ҳукукий муносабатларни шакллантириш ва вужудга келтириш тизимининг ўрнатилиши билан изоҳлаш мумкин.

### **3. "Архив ҳукуки" фанининг предмети, обьекти, тамойиллари ва манбалари.**

Мамлакатимизда архивлар ва уларнинг ташкил этилиши, архив ҳужжатларини ўрганиш, тадқиқ этиш, Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларини ёритишида, илмий тадқиқ қилишда архив ҳужжатларидан фойдаланиш, Ўзбекистондаги ва жаҳондаги архивлар ва уларнинг фаолиятлари каби масалаларни аҳамиятини ўрганиш муҳим масала ҳамда, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг тарихий дунёқарашини бойитиш, уларда мустақил фикрни қарор топтириш, тарихни мукаммал даражада билиш, инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд бўлиш, умуминсоний қадриятларни англаб этишга кўмаклашиш ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топиш каби долзарб масалалардан биридир.

Шунингдек, "Архившунослик" фани ҳақидаги билимларни қарор топтириш мавжуд илмий адбиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш, фан бўйича тўпланган илғор тажрибалар, кадрлар буюртмачиларининг фикр, талаб ва таклифлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда "архившунослик" фани ва унинг вазифалари, Ўзбекистонда архив иши тарихи, архивлар фаолиятлари, вазифалари, архив ҳужжатларидан фойдаланишини ўргатишга оид билим, кўнникма ва малакани шакллантиришdir.

Фаннинг вазифаси - талабаларга архив иши назарияси, архив ҳужжатларининг тавсифлари, давлат архивларининг йил кўрсат-

кичларини, каталоглар турлари, архив фондлари ҳужжатларидан фойдаланишни ташкил этиш ва ўргатишдан иборат.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, “архив ҳуқуқи” фанининг предмети бу архив соҳасидаги барча ташкилий ва методологик аҳамиятга молик билим ва кўникмаларни тарихий-илмий манбаларни тадқиқ этиш орқали ёш авлодга етказиш ва уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдан иборат.

“Архив ҳуқуқи” фанининг объекти барча архив соҳасидаги ташкилий ва методологик аҳамиятга молик билим ва кўникмаларни ҳуқуқий жиҳатдан белгиловчи ижтимоий муносабатлардир.

#### **4. Архив ҳуқуқи нормалари (диспозиция, гипотеза, санкция) ва уларнинг таркибий қисмлари.**

Архив ҳуқуқи соҳасида тартибга солинадиган ҳуқуқий нормаларнинг жамият ва давлат ҳаётида ўрни ва аҳамияти бекиёс. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Архивлар тўғрисида"ги Қонуни бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни янада тўлдириди.

Хусусан, архив нормалари ва уларнинг таркибий қисмлари диспозиция, гипотеза ва санкция каби таркибий элементлардан ташкил топади.

Масалан, “Архивлар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида Қонуннинг мақсади ва вазифалари ифодаланган бўлиб, унга кўра ушбу Қонун архивларни шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланишда юзага келадиган муносабатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси архив муассасалари фаолиятини тартибга солади.

Қонун Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча архив ҳужжатларини тўлиқ қамраб олишга, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг яхлитлигини саклаб қолишга ва фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилашга қаратилгандир. Бунда архив ҳуқуқининг диспозиция ва гипотеза элементлари ўз аксини топган.

Қонуннинг 3-моддасида Асосий тушунчалар баён этилган бўлиб, унда архив нормасининг таркибий қисми бўлмиш диспозиция ўз ифодасини топган. Хусусан, ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: архив – архив ҳужжатлари мажмуи, щунингдек, архив муассасаси ёки корхона, муассаса ва ташкилотнинг архив ҳужжатларини қабул қилувчи, сақловчи ва улардан

фойдаланувчи таркибий бўлинмаси; архив ҳужжатлари – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли экспертиза асосида архив аҳамиятига молик деб топилган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек, турли моддий ашёлардаги ёзувлар; архив фонди – тарихий ёки мантиқий жиҳатдан бир-бири билан алоқадор архив ҳужжатлари мажмуи; архив иши – архив ҳужжатларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, саклаш ва улардан фойдаланишини ташкил этишга оид фаолият; архив ҳужжатларини доимий саклаш – уларни архивда, музейда, кутубхонада чекланмаган муддатларда саклаш; архив ҳужжатларини вақтинча саклаш – уларни архивларда қонун ҳужжатларида белгиланган давр мобайнида саклаш; архив ҳужжатларини депозитар саклаш – уларни ҳужжатлар мулкдори билан архив, музей, кутубхона ўртасидаги келишув (шартнома) бўйича белгиланадиган шартлар асосида мулкдорнинг архив ҳужжатларига нисбатан мулк ҳуқуқини саклаб қолган ҳолда архивда, музейда, кутубхонада саклаш кабилардир.

“Архив тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси эса “Архив ҳужжатларига бўлган мулкдорлик” деб номланиб бу нормада санкция ўз аксини топган.

- Давлат архив фондининг ҳужжатлари давлат мулкидир ва улар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, олдисотди ёки мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ бошқа битимлар обьекти бўлиши мумкин эмас ҳамда фақат вақтинча фойдаланиш учун берилади. Нодавлат архив фондларининг ҳужжатлари но-давлат юридик шахсларнинг – фонд эгаларининг мулкидир. Жисмоний шахсларнинг архив ҳужжатлари шу шахсларнинг хусусий мулкидир. Вафот этган фуқароларнинг архив ҳужжатлари, қонун бўйича ёки васиятнома бўйича меросхўрлар бўлмаса, шунингдек, архивнинг эгасини аниқлаш имконияти бўлмаса, давлат мулкига ўтади.

Қонуннинг 10-моддасида "Қайта ташкил этилаётган ва тугатиляётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг архив фондлари" ҳақида сўз бориб бу архив нормасининг таркибий қисми бўлмиш санкцияни англатади. Хусусан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қайта ташкил этилганда уларнинг архив ҳужжатларини келгусида саклаш улар томонидан тегишли давлат архив муассасалари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Корхоналар, муассаса ва ташкилотлар тугатилганда уларнинг

архив фонди ҳужжатлари тегишли давлат архивларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топширилади.

Мазкур қонуннинг 13-моддасида Архив муассасаларининг хизматлари ўз аксини топган бўлиб бунда диспозиция, гипотеза ва санкция нормалари қўлланилган. - Давлат архив фонди муассасалари ва идоравий архивлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда хизматлар кўрсатади.

Фуқароларнинг ҳуқуклари ва манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган архив маълумотномаларини, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига оид архив маълумотномаларини ва ҳужжатларнинг нусхаларини бериш бепул амалга оширилади.

Қонуннинг 20-моддаси Архив соҳасидаги низоларни ҳал этиш деб номланиб, - Архивлардан фойдаланиш масалаларига доир низолар суд томонидан ҳал этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар “архивлар тўғрисида”ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун етказилган зарап ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт. “Зарап ўрнининг қопланиши айборларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод этмайди” деб аниқ белгилаб қўйилган. Бу эса архив нормасининг санкция таркибий қисми саналади. 21-модда ҳам “Архивлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик” ҳақида бўлиб унда - “Архивлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар” деб санкция тарикасида белгилаб қўйилган.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки Ўзбекистонда архив ишини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва аниқ механизмларини ишлаб чиқиш муҳим жараён саналади. Бу жараёнда архив ҳуқуқи ва архив соҳасида фаолият юритаётган матхасисларнинг ўрни бекиёсdir. Соҳанинг ривожи аниқ дастурий вазифа ва кўрсатмаларга асосан амалга оширилаётганлиги хусусан, архив ҳуқуқи атама ва тушунчаларининг моҳияти тўла очиб берилиши, архив ҳуқуқининг фан сифатида шаклланиш тарихи, “архив ҳуқуқи” фанининг предмети, обьекти, тамойиллари ва манбаларининг аниқ таснифланиши, архив ҳуқуқи нормалари (диспозиция, гипотеза, санкция) ва уларнинг таркибий қисмларининг баён этилиши муҳим илмий тадқиқот учун бошлангич пойdevор бўлиб хизмат қиласи.



## **Савол ва топшириқлар.**

1. Архив ҳуқуқи атама ва тушунча сифатида.
2. Ўзбекистонда архив ишини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари.
3. Архив ҳуқуқининг фан сифатида шаклланиши.
4. Архив ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари нималардан иборат?
5. Архив ҳуқуқи нормалари ва уларнинг таркибий қисмлари нималардан иборат?

## **3-мавзу: “Архив ҳужжатлари ва архив ҳужжати” тушунчаси**

### **Режа:**

1. “Архив муассасаси ва архив ҳужжати” тушунчасининг пайдо бўлиши.
2. Ҳужжатлар турлари ва уларни архивларга топшириш масаласи.
3. Давлат архиви ва идоравий архивларнинг жамият ҳаётидаги ўрни.

### **1. “Архив муассасаси ва архив ҳужжати” тушунчасининг пайдо бўлиши.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида теран янгиланишлар жараёни кечётган бир даврда тарихни ўрганиш, уни холис баҳолаш ва мозийдан мерос жамики қадриятлардан ижодий фойдаланиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Архив - лотинча “archivium” – “хукумат биноси” сўзидан олинган. Лекин “архив” атамасининг ҳозирги қўлланилиши маъноси бутунлай бошқадир. Архив – бу идоралар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, тарихий шахслар фаолиятига оид ҳужжатлар сақланадиган муассасадир.

Бизга маълумки Марказий Осиёда архив ёзув билан бир вақтда пайдо бўлган. Археологлар қадимги Тупроққаъла харобаларидан Хоразм шохларига тегишли III-IV аср бошларига оид қадимги ҳужжатлардан иборат архив колдиқларини топишди. 1930 йил бошларида қадимги Сўғдиёна давлатининг Муғ тоғлари харобаларидан Деваштич архиви топилди. Қазишмалар натижасида VIII асрга оид 80 дан ортиқ қўллётма ҳужжатлар топилди.

Тарихдан маълумки, Бухорода IX-X асрларда Абу Али Ибн Сино фойдаланган архив кутубхона бўлган. Марказий Осиёда архивлар XI-XII асрларда Хоразм давлатида, кейинчалик Олтин Ўрдада, темурийлар ва аштархонийлар даврида ҳам мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви миллатимиз, ўзбек халқининг хужжатли маданий ёдгорликлари сакланадиган энг қадимги хужжатлар вақфномалар бўлиб улар XIII-XX асрларга оидdir.

Мустақилик шароитида архив ишининг истиқболли равнақи масаласи муҳим ўрин тутади. Зеро, мозий сабоклари, ўтмиш тажрибаларини архив материаллари асосида ўрганишнинг нафақат назарий балки долзарб амалий аҳамияти мавжудdir. Мустақиллик давридаги тарихий тадқиқотларнинг аксарияти архив материалларига асосланганлиги ва янгича холисона тарихий тараққиёт концепцияси заминида яратилаётганлиги туфайли бугун тарихимизга қизиқиш тобора ортиб бормокда. Шу сабабли архив соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Булардан энг асосийси “Архивлар тоғрисида”ги қонуннинг қабул қилинишидир. Мазкур қонун 1999 йил 15 апрель Олий Мажлиснинг I-чакириқ XIV-сессиясида қабул қилинган бўлиб у архив тарихида хуқуқий аҳамиятга эга бўлган дастлабки қонун ҳисобланади. Ушбу қонун архивларни шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланишда юзага келадиган муносабатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Архив муассасалари фаолиятини тартибга солади. Қонун Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча архив хужжатларини тўлиқ қамраб олишга, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг яхлитлигини сақлаб қолишга ва фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив хужжатларини ҳисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилашга қаратилгандир.

Архив – архив хужжатлари мажмуи, шунингдек, архив муассасаси ёки корхона, муассаса ва ташкилотларнинг архив хужжатларини қабул қилувчи, сақловчи ва улардан фойдаланувчи таркибий бўлинмадир.

Архив хужжатлари – қонун хужжатларида назарда тутилган тегишли экспертиза асосида архив аҳамиятига молик деб топилган матнли, кўлёзма ва машинада ўқиладиган хужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плеёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек, турли моддий ашёлардаги ёзувлар архив хужжатлари дейилади.

## **2. Ҳужжатлар турлари ва уларни архивларга топшириш масаласи.**

Ҳужжатларни топшириш масаласи – ҳар бир ҳужжат ўзини муддати етгандан сўнг тури ва кайси соҳага тегишлилигига кўра архивларга топширилади ва энг асосийси ҳужжатлар аввало экспертиза қилингандан сўнг давлат архив муассасаларига топширилади. Ҳужжатларни экспертиза қилишдан мақсад уларни саклаш муддатини аниқлаш ва давлат архивларида саклаш учун танлаб олишдан иборат. Шу билан бир қаторда ҳужжатларнинг қимматлиги аниқланади. Давлат архивларида саклаш учун илмий, амалий аҳамиятга эга бўлган ва келажакда тарихчилар томонидан тарихий рисолалар ёзиш учун фойдаланиладиган ҳужжатлар танлаб олинади. Ҳўжалик идораларининг амалий, кундалик иши учун вақтинча, масалан, 1-15 йил керак бўладиган ҳужжатлар муддати битгандан кейин йўқ қилинади.

Ҳужжатлар экспертиза ўтказилишининг, яъни ҳужжатларни илм-фан учун керак ёки керак эмас ҳужжатларга ажратишнинг қоидалари мавжуд. Улар куйидагилар:

1. Экспертиза ўтказиша ҳужжатлар мазмунининг аҳамияти ҳисобга олинади:

2. Архив жамғармасини ташкил қилган идоранинг аҳамияти ҳам экспертиза ўтказиша муҳимдир. Масалан Маданият ишлари вазирлиги ёки почта бўлими ва уларнинг фаолияти натижасида вужудга келадиган ҳужжатлар аҳамияти, ўз-ўзидам маълумки ҳархил эмас:

3. Ҳужжатларнинг пайдо бўлган вақти, жойи ва воқеанинг аҳамияти.

Масалан: Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари тарихига оид ҳўжалик ҳужжатлари ва уларнинг вужудга келган вақти, ўрта асрларга оидлиги ҳисобга олиниб, архивда саклашга қолдирилади. Кейинги даврда вужудга келган худди шундай ҳужжатлар иккинчи даражали сифатида йўқ қилинади.

4. Ҳужжатнинг қайси муаллифга тегишли эканлиги. Буюк шахсларга тегишли ҳужжатлар, масалан Амир Темур, Улуғбек, Навоий ёки буюк ёзувчилардан Фитрат, Қодирий ва бошқаларга тегишли ҳар қандай ҳужжатларнинг иккинчи даражалилари ҳам архивда саклаш учун ажратилади.

5. Маълумотнинг такрорланиши. Қарор, буйруқ, ҳисобот кўрсатма ва бошқа ҳужжатлар бир неча идораларда такрорланади. Бундай ҳолда шу ҳужжатни тайёрлаган идора ҳужжати қолдири-

либ, бошқа идоралардаги худди шундай ҳужжатлар тақрорланганлиги учун йўқ қилиниши мумкин. Қарор, буйруқ ва бошқа ҳужжат бир архив жамғармасида – асл нусха ва бир неча кўчирма ҳолида тақрорланса, асл нусха танлаб олинади, қолганлари йўқ қилинади.

6. Архив жамғармаси ҳужжатларининг қандай даражада сақланганлиги.

Жамғармада ҳамма керакли ҳужжатлар тўла сақланмаган бўлса, йўқ қилиниши керак бўлган иккинчи даражали ҳужжатлар ҳам архивда сақлаш учун қолдирилади. Масалан, идоранинг йиллик режаси, чораклик ёки ойлик режа, ҳисоботлари уларнинг ўрнига қолдирилади.

7. Ҳужжатларнинг аҳволи ҳам ҳисобга олинади. Ёмон сақлаш ёки табий оғат натижасида ҳужжатларнинг ўқиб бўлмайдиган даражага келиб қолганлиги, қоғознинг чириб, сиёҳларнинг учиб кетганинига ва бошқа ҳолларда иккинчи даражали ҳужжатларни йўқ қилмай сақлаб қолиш талаб қилинади.

8. Ҳужжатларнинг ёзилган материали, тили ва бадиий хусусиятлари. Ҳужжатнинг мазмуни иккинчи даражали, сақлашга арзимас бўлса ҳам, лекин қимматли расмлар чизилган бўлса ёки қоғозга эмас, терига ёзилган қадимги ҳужжат бўлса архивда сақлаш учун қолдириш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасида архивлар ўз фаолияти жараёнида илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар вужудга келтирадиган ташкилот, муассаса, корхона ва шахслар давлат архивларини бутлаш манбалари ҳисобланади.

Ҳужжатларни давлат сақловига қабул қилиниши лозим бўлган соҳалар таркибини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади. Шахснинг фан маданият таълим ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари ривожига қўшган ҳиссаси, шахснинг жамият ҳаётининг буюк иштирокчиси ёки гувоҳ сифатидаги роли. Ҳар бир давлат архиви ўзларининг архивлари қабул қиласиган тегишли ташкилотларни аниқлайди ва улар рўйхатини тузадилар. “Ўзархив” Агентлиги архив иши худудий бошқармалари томонидан тасдиқланади. Аҳамияти йўқ хўжалик идораларининг ҳужжатлари давлат архивларига қабул қилинмайди. Давлат архивлари ҳужжатларини идоравий архивларидан ҳужжатларини давлат сақловига қабул қилинувчи ҳужжатлар давлат архивлари томонидан қуйидаги муддат ўтгандан кейин қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, прокуратураси, судлари банклари республикага бўсинувчи давлат корхоналари муассаса-

лари ташкилотлари ва бирлашмаларининг архив хужжатлари 15 йилдан кейин топширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари прократуралари, судлари, банклари вилоятга бўсинувчи давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларининг хужжатлари 10 йилдан кейин топширилади.

Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳар ва туманларга бўсинувчи давлат корхона, муассаса ва бирлашмалари қишлоқ хўжалиги корхоналари архив хужжатлари 5 йил муддатга;

Фуқаролик хужжатлари ёзувлари шахсий таркиб бўйича хужжатлар нотариал хужжатлар, суд ишларининг ёзувлари 75 йил муддатга топширилади;

Кўшма давлат иштирокидаги корхона, ташкилотлар мулкчиликнинг аралашма шаклидаги бирлашмаларининг фаолияти 10 йилдан кейин топширилади;

Илмий техника ва патент хужжатлари 10 йил; Конструкторлик хужжатлари 15 йил; Курилиш лойиҳа хужжатлари 25 йил; Транспорт хужжатлари 5 йил; Кинофотофондо хужжатлари 3 йил; Махфий хужжатлар 30 йил.

Давлат архивлари томонидан тутатилган ташкилотларнинг хужжатлари муддатидан олдин қабул қилинади. Шахсий ва оиласий хужжатларни давлат архивлари томонидан қабул қилиш масаласи юқорида таъкидлаб ўтганимиздек экспорт текширув комиссияси мажлисида аризали хужжатлар рўйхати давлат архиви экспорти мутахассиси хужжатлар тўғрисидаги хужжатлар хулосаси кўриб чиқилади. Ташкилотлар хужжатлари давлат архивларига эксперт текшириш комиссияси тасдиқлаган рўйхат бўйича топширилади. Хужжатларни давлат сақловига қабул қилиш топшириш далолатномаси билан топширилади.

### **3. Давлат архиви ва идоравий архивларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди давлат ва но давлат архив фондларидан ташкил топади. "Архивлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди тўғрисида низом" тасдиқланиб, унинг асосий мақсади Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган барча архив хужжатларининг тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси миллий архив фондининг яхлитлигини сақлаб қолишга ва фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий,

маданий, илмий, ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив хужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда улардан фойдаланишинг ягона тартибини белгилашга қаратилган. Хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибиға ўтказиш ёки хужжатларни ундан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив"агентлиги органлари ва муассасалари томонидан нодавлат юридик ва жисмоний шахслар билан биргаликда уларнинг хужжатлари қиммати экспертиза қилингандан сўнг амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди хужжатлари сақланиш жойи ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар давлат рўйхатидан ўтказилади ва ҳисобга олинади.

*Давлат архив фонди қўйидагиларни ташкил этади;*

1. Ўзбекистон Республикаси таркибиға кирувчи ҳудуддаги мавжуд ва ўзининг барча тарихи давомида мавжуд бўлган давлат юридик шахслари архив хужжатлари;

- Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий, республика ва маҳаллий, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, прокуроралар, судлар, банкларнинг;

- Саноат, транспорт, алоқа, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, фан, ҳалқ таълими, маданият соҳасидаги давлат корхоналари, ташкилотлари ва бирлашмалари;

- Устав капиталида давлат мулки бўлган аралаш мулкчилик шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг;

- Ватанимизнинг чет элдаги давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларининг фаолиятида пайдо бўлган архив хужжатлари;

2. Касаба ўюшмалари, сиёсий ташкилотлар, ижодий ва бошқа жамоат ташкилотлари, бирлашмаларининг Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтгунга қадар ўз фаолиятларида пайдо бўлган хужжатлари, дин давлатдан ажратилгунгача бўлган даврга тегишли диний муассасаларнинг архив хужжатлари

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатда бўлган барча даражадаги ҳарбий қисмлар бошқармалари ва штаблари, қўшилмалар ва бирлашмалар, ўкув муассасалари, ташкилотлари, армия чегара ва ички қўшинларнинг архив хужжатлари;

4. Қонуний асосда давлат мулкига шу жумладан чет-эллардан келиб тушган юридик ва жисмоний шахсларнинг архив хужжатлари;

5. Архив хужжатларнинг асл нусхаси, шунингдек, давлат мулкига чет-эллардан қонуний асосда келиб тушган архив хужжатлари нусхалари;

Давлат архив фондининг хужжатлари давлат мулкидир ва улар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, олди-сотди ёки мулк хукукини бериш билан боғлиқ бошқа битимлар обьекти бўлиши мумкин эмас ҳамда фақат вақтинча фойдаланиш учун берилади.

Идоравий архивлар - Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар архив хужжатларини вақтинча сақлаш, улардан хизмат, ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун идоравий, бирлашган идоравий ёки идоралараро архивлар тузишлари мумкин.

Идоравий архивларда вақтинча сақланадиган хужжатларни рўйхатдан ўтказишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги ва у ваколат берган давлат архив муассасалари амалга оширади. Рўйхатдан ўтказиш тартиби ва рўйхатдан ўтиши гувоҳномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Давлат архив фондининг хужжатларини идоравий архивларда вақтинча сақлаш муддатининг меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади. Идоравий архивда вақтинча сақлаш муддатлари ўтгандан кейин доимий сақланиши керак бўлган архив хужжатлари белгиланган тартибда давлат архивларига топширилади.

Идоравий архивларнинг архив хужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомда белгиланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки давлат архиви ва идоравий архивларнинг жамият ҳаётидаги тутган ўрни бекиёсdir. Сабаби бу архив фондларининг барчаси Ўзбекистон Республикаси халқлари тарихий-маданий меросининг ажралмас кисми ҳисобланадиган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган, Ўзбекистон худудида яшаган ва яшаётган халқларнинг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи, яратилган жойи, вақти, манба тури ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар, тарихан пайдо бўлган, доимо тўлдирилиб борадиган ва доимий сақланиши керак бўлган архив хужжатларининг мажмуидир. Шу сабабли бугунги кунда архивларга жуда катта эътибор берилмоқда.

## **Савол ва топшириқлар.**

1. Архив муассасаси деб нима айтилади?
2. “Архив ҳужжати” тушунчасининг пайдо бўлиши ҳақида сўзлаб беринг.
- 3.Хужжатларнинг қандай турлари бор?
4. Хужжатларни архивга топшириш тартиби қандай?
- 5.”Давлат архиви” деб нимага айтилади?
6. Идоравий архивларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни қандай?

## **4 -мавзу: Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди.**

### **Режа:**

1. “Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди” тушунчаси.
2. Давлат архив фондини шакллантириш ва таркибий бўлимлари.
3. “Давлат архив фонди” тушунчаси ва унинг хужжатлари.
4. “Нодавлат архив фонди” хужжатлари.

## **1. “Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди” тушунчаси.**

Ўзбек халқининг мустақилликка эришиши, бозор муносабатларига ўтиши жамиятимизнинг барча соҳаларида, жумладан маданий меросни тиклаш, тарих, архившунослик фанларини ривожлантириш соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди.

Бозор муносабатларига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш туфайли қатор давлат саноат корхоналари, транспорт ва курилиш, маиший хизмат ва савдо корхоналари хусусийлаштирилди, мулқдорлар синфи шакллантирила бошланди. Нодавлат саноат, қурилиш корхоналари, фермер хўжаликлари, касаба уюшмалари, хайрия ва бошқа жамғармалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, диний ташкилотлар ва архив фондлари ва архив ҳужжатлари нодавлат архив фондини ташкил қилди. Давлат ва нодавлат архив фондлари Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига (Ўз.Р.М.А.Ф.) айлантирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сонли қарорига биноан Ўзбекис-

тон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом “Архивлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча архив ҳужжатларининг тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг яхлитлигини сақлаб қолишга ва фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив ҳужжатларини бутлаш, ҳисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўtkазиш ҳамда улардан фойдаланишни ягона тартибини белгилашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди - Ўзбекистон Республикаси халқаро тарихий-маданий меросининг ажralmas қисми ҳисобланадиган, тарихий-илмий, ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган фонддир.

Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва яшаётган халқларнинг моддий ва маданий ҳаётини акс эттирувчи, яратилган жойи, вақти, манба тури ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, тарихан пайдо бўлган, доимо тўлдириб бориладиган ва доим сақланиши керак бўлган архив ҳужжатларининг мажмуидир.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди давлат ва но давлат архив фонларидан ташкил топган.

## **2. Давлат архив фондини шакллантириш ва ва таркибий бўлимлари.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжаларини шакллантириш, давлат ҳисобини олиб бориш, сақланишини таъминлаш улардан фойдаланиш, архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига 1917 йилдан олдинги давр ҳужжатлари, шунингдек, совет ташкилотлари, идора ва корхоналари фаолиятида юзага келган ҳужжатлар, ўзбек халқи маданияти тарихи, санъати, адабиёти ва ёзма ёдгорликлари, илмий-техник ҳужжатлари, кино-сурат-овозли ҳужжатлар, плокатлар, варакалар ва бошқалар шулар жумласидандир.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Архивлар тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан республика архив ишида анчагина ўзгаришлар содир бўлди. Давлат архив хизмати ривожида айрим мувваффақиятлар қўлга киритилди. Архив иши бу давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳужжатларини шакллантириш, ҳисобга

олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишини ташкил қилиш билан боғлиқ фаолиятдир.

Ўзбекистоннинг миллий давлат сифатида ривожланиши ва бозор иқтисодиёти йўлига ўтиши архив ишидаги ислоҳотларни белгилаб берди. Архив ташкилотларидағи ислоҳотларнинг 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган “Архивлар тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 октябрдаги “Архив иши бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ти ва 2004 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида Архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида амалга оширилмоқда.

“Архивлар тўғрисида”ги қонунда ёритилган асосий янгиликлардан бири Ўзбекистон Давлат архив фонди ўрнига Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондини ташкил қилиши белгиланди. “Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди давлат ва нодавлат архив фонларидан ташкил топади” дейилган қонунда. Нодавлат юридик шахсларнинг фаолияти натижасида тўпланган архив хужжатлари, шунингдек, фукароларнинг шахсий архивлари нодавлат архив фондини ташкил этади. Миллий архив фондидан кўриниб турибдики, унда давлат ва нодавлат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар архив фондлари сақланади.

Шўролар даврида хусусий ташкилотлар, корхоналар бўлмас эди, шунинг учун нодавлат архив фондлари ҳам йўқ эди. Шу сабабли олдинги Ўзбекистон Давлат архив фондида фақат давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналари билан архив органлари, муассасалар ўртасида архив иши бўйича муносабатлари архивлар тўғрисидаги қонун хужжатларида қандай белгилангандиги муҳим масаладир. Нодавлат, юридик ва жисмоний шахслар нодавлат архив фондларини уларни эгаларининг талабларига биноан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига ўтказиш мумкин.

Бу иш архив ташкилотлари томонидан улар хужжатларининг қиймати экспертиза қилингандан сўнг амалга оширилади Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари, жумладан қабул қилиниши мумкин бўлган нодавлат ташкилотлар архив фондлари ҳам давлат рўйхатидан ўтказилади. Ҳамда бундай ташкилотларга гувоҳнома берилади. Хусусий ташкилотлар нодавлат архив фонди ҳужжатларини доимий сакланишини таъминлайди. Архив ташкилотларини розилигини олмасдан нодавлат ташкилот-

лар ўз хужжатларини йўқ қилиши мумкин эмас. Шу сабабли архив ташкилотлари давлат хисобига олинган нодавлат ташкилотлар архив фондларини назорат қилиб боради ва архив ишини тўғри йўлга кўйишига ёрдам беради. 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳалқимизнинг маънавий бойлиги ҳисобланган архив манбаларини яхлит ҳолатда саклаш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан, маданият, таълим, ижтимоий соҳа, оммавий ахборот воситаларининг; жисмоний шахслардаги (шахсий хужжатлар, оиласий архивлар, хужжатлар коллегияси ва бошқалар) нодавлат юридик ва жисмоний шахсларнинг архив фондлари ва архив хужжатлари хам мазкур фондга киритилган.

Нодавлат муассасаларида сакланувчи хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритиш ёки ундан чиқариш масаласи «Ўзархив» агентлиги органлари томонидан нодавлат юридик ва жисмоний шахсларнинг илтимосига қўра уларнинг архивларини бутлашда, саклашда ва улардан фойдаланишда услубий ёрдам кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг 5 та бўлими иш юритади:

- турли муассасаларнинг хужжатларини йиғиши ва уларнинг қийматини аниқлаш бўлими;
- хужжатларга илмий маълумот бериш ва услубий ишлар бўлими;
- хужжатлардан фойдаланиш бўлими;
- моддий техника таъминоти ҳамда бинодан фойдаланиш ва унга ҳар томонлама хизмат кўрсатиш бўлими

### **3. “Давлат архив фонди” тушунчаси ва унинг хужжатлари.**

Давлат архив фондини қуидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи худуддаги мавжуд ва ўзининг барча тарихи давомида мавжуд бўлган давлат юридик шахслари;
- давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий, республика ва маҳаллий, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, прокуратуралар, судлар, банклар;
- саноат, транспорт, алоқа, капитал қурилиш, кишлек хўжалиги ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, фан, ҳалқ таълими, маданият соҳасидаги давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлар ва бирлашмалар;

– устав капиталида давлат мулки бўлган аралаш мулкчилик шаклларидағи корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг;

– Ватанимизнинг чет элда бўлган ва (ёки) чет элдаги давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларининг фаолиятида пайдо бўлган архив ҳужжатлари;

– касаба уюшмалари, сиёсий ташкилотлар, ижодий ва бошқа жамоат ташкилотлари, бирлашмаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтгунга қадар ўз фаолиятларида пайдо бўлган ҳужжатлари, дин давлатдан ажратилгунгача бўлган даврга тегишли диний муассасаларнинг архив ҳужжатлари;

– Ўзбекистон Республикаси худудида ҳаракатда бўлган барча даражадаги ҳарбий қисмлар бошқармалари ва штаблари, қўшилмалар ва бирлашмалар, ўқув муассасалари, ташкилотлари, армия, чегара ва ички қўшинларнинг архив ҳужжатлари;

– қонуний асосда давлат мулкига, шу жумладан, чет эллардан келиб тушган юридик ва жисмоний шахсларнинг архив ҳужжатлари;

– архив ҳужжатларининг асл нусхаси, шунингдек, давлат мулкига чет эллардан конуний асосда келиб тушган архив ҳужжатлари нусхалари.

Давлат архив фонди таркибиға қонун ҳужжатлари, бошқариш, лойиҳалаш, конструкторлик, технология, картография, телеметрик ва бошқа маҳсус ҳужжатлар, дастурлар, алгоритмлар ва машина усули билан аниқлаш (механографик) ҳужжатлари, кинофотофондо ҳужжатлар, видеофонограммалар, илмий, адабий, бадиий, мусиқий ва бошқа қўллэзмалар, расмлар, кундаликлар, мемуарлар, ёзишмалар ва архив аҳамиятига эга бўлган бошқа тоифадаги ҳужжатлар киради.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибиға киритилиши керак бўлган давлат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалар ҳамда бундай ҳужжатларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари томонидан, шунингдек, уларга қарашли давлат архивлари томонидан белгиланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги давлат томонидан сақланиши керак бўлган, шу жумладан, саклаш муддати кўрсатилган ҳолдаги ҳужжатларнинг намунавий рўйхатларини тасдиқлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги билан келишилган ҳолда давлат томонидан сақлашга берилиши керак бўлган ҳужжатларнинг идоравий рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. (ЎзР ВМ 18.03.2004 й. 131-сон Қарори таҳриридаги банд)

#### **4. Нодавлат архив фонди ҳужжатлари.**

Нодавлат архив фонди:

– Ўзбекистон Республикасининг жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб жамоат бирлашмалари ва ташкилотларидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, касаба уюшмалари, хайрия жамғармалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, диний бирлашмалар ва ташкилотларнинг;

– нодавлат бирлашмалари (компаниялар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, акциядорлик жамиятлари)даги саноат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан, маданият, таълим, ижтимоий соҳа, оммавий ахборот воситаларининг;

– жисмоний шахслардаги (шахсий ҳужжатлар, оилавий архивлар, ҳужжатлар коллекцияси ва бошқалар) нодавлат юридик ва жисмоний шахсларнинг архив фондлари ва архив ҳужжатларидан ташкил топади.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибиغا ўтказиш ёки ҳужжатларни ундан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги органлари ва муассасалари томонидан нодавлат юридик ва жисмоний шахслар билан биргаликда уларнинг ҳужжатлари қиммати экспертиза қилингандан сўнг амалга оширилади.

Эксперт текшириш комиссиясининг ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига ўтказиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлангандан сўнг кўрсатилиган қарорни тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги органи ёки муассасаси Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги тартибга мувофиқ рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини расмийлаштиради (ЎзР ВМ 18.03.2004 й. 131-сонли Қарори таҳриридаги банд).

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини сақловчи нодавлат юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги органлари ва муассасалари сўровларига кўра уларни давлат ҳисобига қўйиш мақсадида ўзларининг архив фондлари ва архив хужжатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Нодавлат архив фонди хужжатлари эгалари ва (ёки) сақлаш жойи алмашганда нодавлат юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги органи ва муассасасини ушбу хужжатларнинг янги эгаси ва уларнинг бундан кейинги сақланиш жойи тўғрисида хабардор қиласидар (ЎзР ВМ 18.03.2004 й. 131-сонли Қарори таҳриридаги банд).

Нодавлат юридик ва жисмоний шахслар нодавлат архив фонди хужжатларини сақлаш мақсадида ташкил этилган архивларда ёки корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг таркибий бўлинмаларида доимий сақлашни таъминлайдилар. Доимий муддатда сақланадиган хужжатлар ва шахсий таркиб бўйича хужжатлар (мехнат стажи, меҳнат ҳақи, ўқиш, мукофотлаш ва бошқалар тўғрисидаги хужжатлар) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги органлари ва муассасалари розилигини олмасдан нодавлат юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўқ қилиниши мумкин эмас (ЎзР ВМ 18.03.2004 й. 131-сонли Қарори таҳриридаги банд).

Нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ўз хужжатларини давлат мулки қилиб давлат архивлари, музейлар ва кутубхоналарда сақлашга беришлари мумкин. Бундай ишлар битим (шартнома) билан, зарур ҳолларида хужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш шартлари аниқланган ҳолда, расмийлаштирилади.

Нодавлат корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалар тутатилганда ёки шахсий архив эгаси вафот этганда, ворислар ва қонуний меросхўрлар бўлмаганда уларнинг хужжатлари давлат мулкига ўтказилиб, доимий сақлаш учун давлат архивларига топширилади.

Нодавлат юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар қонун хужжатларига мувофиқ талаб қилинадиган бошқа хужжатларга қўшимча равишда уларнинг архив фонди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги муассасаларига ўтказилганигини тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлган тақдирда уларни давлат рўйхатидан чиқариш

тўғрисида қарор қабул қиласилар (ЎзР ВМ 18.03.2004 й. 131-сонли Қарори таҳриридаги банд).

Нодавлат юридик ва жисмоний шахслар нодавлат архив фонди ҳужжатларини вақтингчалик, шу жумладан, депозитар сақлашга давлат архивларига, музейларга ва кутубхоналарга беришлари мумкин.

Нодавлат архив фонди ҳужжатларини вақтинча, шу жумладан, депозитар сақлашга бериш шартлари ва тартиби ҳужжат эгалари билан давлат архивлари, музейлар ва кутубхоналар ўртасида тузилган битимлар (шартномалар)да белгиланади.

Нодавлат архив фонди ҳужжатлари сотиладиган ҳолларда давлат уларни сотиб олиш учун имтиёзли ҳукуққа эга бўлади. Ҳужжат эгалари, ким ошди савдоси ташкилотчилари, савдо-воситачилик ташкилотлари бўлажак сотишгача кечи билан бир ой олдин у тўғрисида аниқ сотиши вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги органлари ва муассасаларига хабар беришлари зарур (ЎзР ВМ 18.03.2004 й. 131-сонли Қарори таҳриридаги банд).

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди деганда нимани тушунасиз?

2. Миллий архив фонди қандай шакллантирилади?
3. Унинг таркибий бўлимлари-чи?
4. Давлат архив фонди деб нимага айтилади?
5. Нодавлат архив фонди ҳужжатларини кўрсатиб ўтинг.

### **5 -мавзу: Архивлар жамғармасини бутлаш.**

#### **Режа:**

1. Архивларни бутлаш тартиби ва уларни амалга ошириш босқичлари.

2. Давлат архивларини бутлаш манбаларини аниқлаш.

3. Ҳужжатларни архивда сақлаш, тайёрлаш ва топшириш тартибини аниқлаш.

4. Ҳужжатлар қимматлилигининг мақсад ва вазифаси.

5. Ҳужжат эксперитизасини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти.

## **1. Архивларни бутлаш тартиби ва уларни амалга ошириш босқичлари.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондини бутлаш бу архивларни доимий равишда уларга тегишли илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган хужжатларни тўлдириб жамлаб боришидир. “Архивлар тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14 –моддаси “Архивларни бутлаш” дейилган. “Давлат архивлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, давлат корхоналари муассасалари ва ташкилотнинг фаолияти жараёнида вужудга келган хужжатлардан, шунингдек, улар томонидан қўлга киритилган хужжатлар ёки уларни бошқариш юридик ва жисмоний шахслар томонидан топширган хужжатлардан бутланади.

Давлат архивларини бутлаш қуйидаги масалаларни ўз ичига олади.

Давлат архивларини бутлаш манбаларини аниқлаш.

Давлат сақловига қабул қилиниши керак бўлган хужжатлар таркибини аниқлаш.

Давлат архивларига хужжатларни қабул қилиш.

Давлат архивлари ўртасида хужжатларни тақсимлаш. Давлат архивларини бутлаш манбаларини аниқлаш. Ўз фаолияти жараёнида илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган хужжатларни вужудга келтирадиган ташкилот муассаса корхона ва шахслар давлат архивларини бутлаш манбалари ҳисобланади. Давлат архивларини бутлаш манбалари ташкилотларни ҳисобга олиш асосида амалга оширилади.

Ташкилотнинг ҳокимият ва бошқарув органлари тизимидағи аҳамияти.

Ташкилот фаолиятининг юқори органлари ва бошқа идоралар хужжатларида акс эттишининг тўлалиги.

Ташкилот хужжатларининг давлат архиви йўналишига тўғри келиши.

Хужжатларнинг давлат сақловига қабул қилиниши лозим бўлган шахслар таркибини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олиниади. Шахснинг фан, маданият ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожланишига қўшган ҳиссаси, шахснинг жамият ҳаётидаги буюк воқеалар иштирокчиси ёки гувоҳи сифатидаги роли.

Архивларни бутлашни ташкил этиш, Давлат архивларини бутлаш белгиланган ташкилотлар шахслар бутлаш манбалари асосида амалга оширилади. Ҳар бир давлат архиви ўзларининг архивлари қабул қиласиган тегишли ташкилотларни аниқлайдилар ва улар-

нинг рўйхатини тузадилар. Бу ташкилотлар рўйхати юқори архив органи “Ўзархив агентлиги” архив иши худудий бошқармалари томонидан тасдиқланади. Аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик идораларининг ҳужжатлари давлат архивларига қабул қилинмайди ва бундай идораларда қабул қилинадиган ташкилотлар рўйхатига киритилмайди.

Давлат архивлари бутлашни тўғри ташкил қилиш мақсадида ташкилот архивга унинг тўлалигига материалларнинг тартибга солинганлигини доимий равишда назорат қилиб боради. Мабода материаллар тўлмаган ёки йўқолган бўлса у ҳолда уларни қидириш ва тўлдириш бўйича зарурий чоралар кўрилади. Архив ташкилотлари шахсий фондларни қидириб топиш ҳисобга олиш чораларини кўради ва бундай ҳужжатларни давлат сақловига тушунишиш ишлари олиб боради. Давлат сақловига қабул қилинадиган ҳужжатлар таркиби ҳужжат қимматлилигини экспертизасини ўтказиш жараёнида аниқланади.

Архивларни бутлашни ташкил этишни идоравий ва давлат архивлари томонида кўрамиз.

Бугунги кунда архившунослик учун “фаол бутлаш” тамойилидан фойдаланиш ўринли ҳисобланади. Бунда фонд ташкилотчилари билан ҳужжатларни саклаш зарурияти ва аҳамияти тўғрисида сұхбатлар ўтказилади: юридик шахсларнинг рўйхатини олишда давлат органларидан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганган ҳолда бутлаш манбалари аниқланади: машҳур давлат, фан маданият арбоблари билан учрашиш, сұхбатлашиш ва уларнинг хотираларини магнит тасмаларига ёзиб олиш, жамоат фикрини ифодаловчи маълумотлар йигиш ишлари олиб борилади. “Фаол бутлаш”да архивчилардан намунали ботиний ва зоҳирий сифатлар талаб этилади.

Бутлаш, бутлаш манбаи бутловчининг архив, бутлашнинг мақсад ва вазифалари ички рўйхати далолатнома “фаол бутлаш” тамойилидир.

## **2. Давлат архивларини бутлаш манбаларини аниқлаш.**

Ўз фаолияти жараёнида илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар вужудга келтирадиган ташкилот муассаса ва корхона, шунингдек, шахслар давлат архивини бутлаш манбалари саналади. Давлат архивларини бутлаш манбалари, ташкилотларни аниқлаш қўйидаги қоидаларни ҳисобга олиш асосида амалга оширилади:

- ташкилотларнинг ҳокимият ва бошқарув органлари тизимида тармоқ идоралари тизимидағи аҳамияти.

- ташкилотлар фаолиятининг юқори органлар ва бошқа идоралар ҳужжатларида акс этишининг тұлалиги.

- ташкилот ҳужжатларининг давлат архиви йўналишига тұғри келиши.

Ҳужжатларни давлат сақловига қабул килиши лозим бўлган шахслар таркибини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади: шахснинг фан, маданият, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларининг ривожланишига қўшган ҳиссаси, шахснинг жамият ҳаётини буюк воқеаларини иштирокчиси ёки гувоҳи сифатидаги роли.

Давлат архивларини бутлаш белгиланган ташкилотлар, шахслар, бутлаш манбалари асосида амалга оширилади.

Шахсий таркиб ҳужжатлари ҳам давлат сақловига топширилиши мумкин. Улар совға шартномаси, васиятнома, суд ёки нотариал ташкилотлар томонидан қаровсиз деб топилган қарор бўйича, олди-сотди келишуви асосида сақловига қабул қилинади.

Шахсий таркиб ҳужжатлари архив ва ҳужжат эгалари ўртасидаги битимга асосан депозитар (вақтингчалик) сақланиши мумкин.

Ҳужжатларни қабул қилишда далолатнома тузилиб, топширилган ҳужжатлар рўйхати илова қилинади.

Давлат архивлари шаҳобчалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини тақсимлаш архив фондлари, улар бўлинмаслиги ва ҳужжатларни туркумлашнинг асосий белгиларини, яъни уларни маълум бир тарихий даврларга, республика ва маҳаллий идораларга, маълум маъмурий-худудий бўлинмаларга, давлат ва жамоат фаолиятининг маълум соҳаларига тегишли эканлигини, ҳужжатларни тайёрлаш услуги ва техникасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бугунги кунда архившунос учун “фаол бутлаш” тамойилидан фойдаланиш ўринли саналади. Бунда фонд ташкилотчилари билан ҳужжатларни саклаш зарурати ва аҳамияти тўғрисида сұхбатлар олиб бориш: юридик шахсларни рўйхатга олиш давлат органларидан жамиятни ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганган ҳолда бутлаш манбаларини аниқлаш, машхур давлат, фан, маданият арбоблари билан учрашиш, сұхбатлашиш ва уларнинг хотираларини мангутасмаларга ёзиб олиш, жамоат фикрини ифодаловчи маълумотлар йиғиши ишлари олиб борилади. “Фаол бутлаш”да архивчилардан намунали ботиний ва зоҳирний сифатлар талаб этилади.

Хужжатларни идоравий архивларда сақлаш учун топшириш. Ташкилот иш юритиш ҳужжатлари ишлатиб бўлингандан сўнг унинг таркибий бўлинмалари идоравий архивга ўз ҳужжатларини топшириши керак. Идоравий архивларга 10 йилдан кам сақланадиган ва шахсий таркиб ҳужжатлари топширилади. Ҳужжатларни топшириш бўлимларга тузилган рўйхатлар асосида амалга оширилида.

### **3.Хужжатларни архивда сақлаш, тайёрлаш ва топшириш тартибини аниқлаш.**

Ҳужжатларни топшириш жараёнида йиғмажилларнинг шаклланиши ва расмийлаштирилишини, йиғмажиллар номенклатурасида белгиланган ва рўйхатда кўрсатилган ҳужжатлар микдорининг тўғрилигини текшириб олиш зарур. Йиғмажилднинг шаклланишини мослигини аниқлашда сарлавҳа ва ҳужжатлар мазмуни солиширилади ва номенклатурага мос равишда жамланади.

Идоравий архивга топширилаётган ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилиши керак. Бунда ҳар бир йиғмажилд муқоваланган, ҳужжатларга ва рақлар рақами қўйилган, доимий ёки узоқ муддат сақланиши зарур бўлган йиғмажилд ва рақларининг сони ва жисмоний ҳолатини кўрсатувчи йиғмажилднинг тақиқ ёзуви ҳам қўшиб тикилади. Бундан ташқари йиғмажилд муқовасига жамғармани ташкил этувчининг номи, унинг бўлинмалари, иш юритиш рақами йиғмажилд сарлавҳаси, чекка саналари, архив шартли белгиси ҳам ёзиб расмийлаштирилади. Алоҳида қийматтага эга, суд ва тергов йиғмажилларига ички рўйхат тузилади. У ҳужжатлар рўйхатини ўз ичига олувчи ҳисоб ҳужжат бўлиб, унда ҳужжатлар тартиб рақами, номи, санаси ва шу кабилар кўрсатилган бўлади ва шу йиғмажилд ичида сақланади.

Номенклатура ва рўйхат бўйича йиғмажиллар сонини таққослаш энг масъулиятли иш бўлиб, номенклатура бўйича етишмаётган йиғмажилларга маълумотномалар тузилади ва уларни қидириб топиш ишлари бошланади.

Давлат архивлари ҳужжатларини идоравий архивлардан ҳужжатлари давлат сақловига қабул қилинадиган ташкилотлар рўйхати асосида қабул қилинади.

Ҳар бир идоравий архивдан давлат архивига ҳар йили ёки 3 – 5 йилда (ҳажмига кўра) топширилади. Давлат архивлари ташкилотлардан ҳужжатларни қабул қилиш режасига асосан амалга оширилади. Давлат архивининг маълум бир фонд ташкилот ҳужжатлари билан бутланиши бир неча босқичда амалга оширилади.

Дастрлаб ЭТК йиғилишида давлат сақловига топширилиши кепрек бўлган йиғмажиллар рўйхати тасдиқланади. Кейин давлат архиви ходими (назоратчи-инспектор) идоравий архивда саклананётган йиғмажилларни жисмоний ва санитар-гигиеник сақлаш ҳолатини текширади. Сўнгти босқичда рўйхат асосида йиғмажиллар бирма-бир давлат сақловига топширилади. Агар рўйхатдаги йиғмажиллар сони топширилаётган йиғмажиллардан кўп бўлса, рўйхатда янги якуний ёзув расмийлаштирилади. Идоравий архив эса етишмаётган йиғмажиллар учун маълумотнома тузади.

Хужжатларни сақлашга қабул қилишда уларни давлат сақловига топшириш ва архивларга қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Далолатномада ҳужжатларни топширувчи идора номи ва қабул қилувчи архив, ҳужжатлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар ёзилади. Далолатнома икки нусхада тайёрланиб, давлат ва идоравий архив ходими томонидан имзоланади.

Хужжатлар билан бирга уч нусха рўйхат ҳам топширилади. Хужжатнинг тўртинчи нусхаси идоравий архивда сакланади.

Нодавлат архив фонди мулкдорларидан ҳужжатларни қабул қилиш ўзига хос хусусиятга эга. Мулкдорлар ўз ҳужжатлдарини шартнома асосида давлат архивларига, музей ва кутубхоналарга топширишлари мумкин.

Зарурий холларда ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланишда чеклашлар қўйишлари мумкин. Масалан шахсий ҳаётига тааллукли, тижорат сирига оид, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шу кабилардир.

Ҳар бир давлат архиви ўзининг архивлари қабул қиласидан тегишли ташкилотларни аниқлайди ва уларнинг рўйхатини тузади. Бу ташкилотлар рўйхати юкори архив органи - “Ўзархив” агентлиги, архив иши ҳудудий ташкилотлари томонидан тасдиқланади. Аҳамияти йўқ ҳўжалик идоралари ҳужжатлари давлат архивига қабул қилинмайди. Бундай идоралар қабул қилинадиган ташкилотлар рўхатига киритилмайди. Давлат архивларини бутлашни тўғри ташкил қилиш мақсадида ташкилот архивига унинг бўлимларидан ҳужжатларнинг вақтида топширилишини, унинг тўлиқлигини, материалларнинг тартибга солинишини доимий равишда назорат қилиб боради. Агар, маълумотлар тўла сакланмаган ёки йўқолган бўлса, у ҳолда уларни қидириш ва тўлдириш бўйича зарур чоралар кўрилади. Архив ташкилотлари шахсий фондларни қидириб топиш, ҳисобга олиш чораларини кўради ва бундай ҳуж-

жатларни давлат сақловига топшириш мақсадга мувофиқ эканлиги түгрисида тушунтириш ишлари олиб боради.

Давлат сақловига қабул қилинадиган хужжатлар таркиби хужжатларнинг қимматлилигини экспертиза қилиш жараёнида аниқланади.

#### **4. Хужжатлар қимматлилигининг мақсад ва вазифаси.**

“Хужжатлари экспертизаси” тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондини шакллантиришда бир қанча хужжатлардан баъзи бир қисми давлат сақловига қабул қилинади. Хужжатларнинг сақлаш муддатини аниқлаш ва сақлаш учун танлаб олиш жараёни хужжатлар қимматлилиги экспертизаси деб аталади.

Хужжатлар қимматлилиги экспертизасини ўтказувчи комиссия куйидаги вазифаларни амалга оширади.

- биринчидан, идоравий архивлардан давлат архивларига сақлаш учун хужжатларни танлаш ва уларни керакли архивларга жўнатиш;

- иккинчидан, хужжатларнинг сақланиш муддатини аниқлаш. Хужжатлар сақланиши муддатларига кўра икки гурухга ажратилади: узоқ муддатга сақланувчи ва вақтинча сақланувчи хужжатларга;

- учинчидан, йўқолган ёки шикастланган хужжатларни бир турдаги юқори қуи ташкилотлар фондларидан уларнинг асл ёки кўчирма нусхасини олиш орқали ўрнини тўлдириш;

- тўртинчидан сақлаш учун тўлиқ ахборотга эга хужжатларни танлаш.

Хужжатлар қимматлилиги экспертизаси уч босқичда: иш юритишида идоравий ва давлат архивида амалга оширилади.

Иш юритиши хужжат тузилмасидан олдин йиғмажилларноменклатурасининг яратилишида хужжатларни сақлаш муддати муаммоси хал қилинади.

Идоравий архивда ташкилот хужжат фондидан давлат архивига доимий сақлаш учун ажратиш ва тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Агар ташкилотларда юридик жиҳатдан мустақил таркибий бўлинмалар мавжуд бўлса қимматли хужжатлардан бир неча архив фонди ташкил этилади.

Хужжатлар экспертизасини ўтказиш учун идораларда экспертиза комиссияси (ЭК) тузилади.

Бу комиссия идоравий архивга алоқадор ходимлардан идора бошлигининг буйруғига асосан ташкил қилинади. Улар хужжатлар экспертизасини яъни хужжатларни сақлаш муддатини рўйхат ёрдамида ва экспертиза қоидаларига асосан аниқлашади.

Хужжатларни экспертиза қилишдан мақсад уларни сақлаш муддатини аниқлаш ва давлат архивида сақлаш учун танлаб олишидир. Давлат архивларида сақлаш учун илмий амалий аҳамиятга эга бўлган ва келажакда тарихчилар томонидан тарихий рисола ёзишда илмий-амалий фойдаланиш учун улар танлаб олинади.

Хўжалик идораларининг амалий кундалик иши учун вақтинча масалан, 1-15 йил керак бўладиган хужжатларни муддати битилгандан кейин йўқ қилинади.

Экспертиза ўтказишида хужжатлар мазмунининг аҳамияти ҳисоб қилинади.

Архив жамғармасини ташкил қилган идоранинг аҳамияти ҳам экспертиза ўтказишида муҳим ўрин тутади

Хужжатларнинг пайдо бўлган вакти жойи ва воқтининг аҳамияти.

Буюк шахсларга тегишли масалан, Амир Темур, Улуғбек, Навоий ёки совет даври ёзувчиларидан Фитрат, Қодирий ва бошқаларга тегишли ҳар қандай хужжатларнинг иккинчи даражалилари ҳам архивда сақлаш учун ажратилади.

Маълумотнинг такрорланиши:

- архив жамғармасини хужжатларнинг қандай даражада сақланганлиги;
- хужжатларнинг аҳволи ҳам ҳисобга олинади;
- хужжатларнинг ёзилган материали, тили ва бадиий хусусиятлари.

Хужжатларнинг мазмуни иккинчи даражали сақлашга арзимас бўлса ёки қогозга эмас терига ёзилган қадимги хужжат бўлса архивда сақлаш учун қолдириш керак бўлади. Бу архивда доимий ва вақтинча сақланадиган қимматли хужжатларни топшириш учун хужжатлар экспертизаси ўтказилади. Бу ишга ижодий ёндошиш талаб қилинади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек архив жамғармалари таркибидан келиб чиқиб айрим ҳолларда вақтинча сақланадиган иккинчи даражали хужжатларни ҳам доимий сақлаш учун қолдиришга тўғри келади. Экспертиза хужжатларини сақлаш муддати кўрсатилган рўйхат (перечень) асосида белгиланади.

## **5. Ҳужжатлар экспертизасини амалга оширишнинг ўзига хос ҳусусияти.**

Экспертиза усуллари XIXасрнинг охирида шаклланиб XX асрга келиб ўз тасдиғини топди. Ҳозирги кунда ҳужжатлар экспертизаси қоидага кўра меъёрий–услубий қўланмалар: рўйхат йифмагилдлар номенкалатураси классификатлар (туркумлаш) асосида амалга оширилади.

Давлат архивларида, биринчидан, идоравий архивлар экспертизаси яхлит экспертизаси ўтказилади: иккинчидан ҳужжатларнинг мақсадлари яхлит экспертизаси ўтказилади.

Мақсадли яхлит экспертиза – бир вақтнинг ўзида бир неча фонdlар бўйича ҳужжатлар дубликати қайтарилганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Мазкур вазифа вазирлик бўйича масалаларда ўз худудида фаолият олиб борган бир хил муассасаларда (мактабда) ва қариндошлиқ ёки шахслар муносабати орқали бир-бири билан боғлиқ шахслар ҳужжатларини ўрганишда амалга оширилади.

Мазкур комплекс ёндашувни турли муассасаларнинг фонdlаридан ҳужжатлар келиб тушувчи давлат архивларигина ўтказиши мумкин.

Экспертиза якунида узоқ муддатли ва доимий сақланувчи ҳужжатлар билан бирга йўқ қилиниши керак бўлган ҳужжатлар ажратилади.

Йўқ қилиниши керак бўлган ҳужжатларга далолатнома тузилади, доимий ва узоқ муддат сақланадиган ҳужжатлар киритилади.

Идора бўлимлари иш юритиш ҳужжатларини 2-3 йил ўтгандан кейин идоравий архивга топширилади ва улар асосида вақтинча сақланадиган ҳужжатлар жамланади.

Давлат архивида доимий сақланадиган қимматли ҳужжатларни топшириш учун ҳужжатлар экспертизаси ўтказилади. Бу ишга ижодий ёндашув талаб қилинади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек архив фонdlари таркибидан келиб чиқиб айrim ҳолларда вақтинча сақланадиган иккинчи даражали ҳужжатларни ҳам доимий сақлашга қолдиришга тўғри келади.

### **Савол ва топшириклар:**

1. Архивларни бутлаш нимани англатади?
2. Архивларни бутлашнинг мақсад ва вазифалари.
3. Идоравий архивларни бутлаш қандай амалга оширилади?

4. Йиғмажиллар ички рўйхати қандай ҳолларда тузилади.  
5. “Фаол бутлаш” тамойилининг моҳияти нимада?

## **6-мавзу: Ўзбекистон Республикасида Миллий архив фонди ҳужжатларини ҳисобга олиш.**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат ҳисобига олишни ташкил этиш.
2. Марказлашган давлат ҳисоби, ҳисобларни марказлаштириш.
3. Ҳисоб ишининг аниқлиги ва тўғрилигини таъминлаш.
4. Ҳисоб ҳужжатларини юритиш (ички ва ташқи). Давлат ҳисобига олиш гувоҳномаси ва дафтари.

### **1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат ҳисобига ўтказишни ташкил этиш.**

Ҳар бир фуқаровий жамият учун унинг архивларида канча миқдорда қимматли ҳужжатлар сақланишини билиш мухимдир. Миллий архив фондига кирувчи ҳар бир ҳужжатни ҳисобга олиш ва сақлашни назорат қилишни таъминлаш мақсадида улар давлат рўйхатидан ўтказилади.

Архив ҳужжатларини ҳисобга олиш деганда, уларнинг миқдорини аниқлаш ва ушбу миқдорнинг архив муассасалари ҳисоб ҳужжатларида акс эттириш тушунилади. Умуман олганда, ҳар бир муассаса, ташкилот архивида ҳужжатларни ҳисобга олиш кўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) архивдаги ҳужжатлар миқдорини аниқлаш;
- б) архивдаги “ички” ҳисоб ҳужжатларида миқдор тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш;
- в) улар асосида “Ўзархив” агентлигига тақдим этилувчи давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тўлдириш;

г) ҳисоб-маълумотлари асосида ҳар бир архив бўйича марказлашган ҳужжатлар ҳисоби – Республика фонд каталогини тузиш.

“Ўзархив” агентлигининг марказлашган ҳужжатлар ҳисоб-китобида давлатга тегишли бўлган ҳужжатларнинг умумий сони кўрсатилади.

Ташкилот, муассаса, корхона ва давлат архивларида ҳужжатлар илмий ҳисоботи кўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- ҳисобни марказлаштириш – Ўзбекистон Республикаси Миллий Архив Фонди ҳужжатларини давлат ва нодавлат қисмларини яратувчи ва сақловчи муассасалар билан “Ўзархив” агентлигининг биргаликда иш олиб боришида;

- ҳисоб ҳужжатларнинг умумийлигини ташкил этишида;

- ҳисоб динамикаси (ўзгариши) нинг ўз вақтида қайд этилишида. Бунда архив ҳужжатининг ҳар бир ҳаракати кириш-чиқиши ҳужжатлари, уларни таърифлаш ишлари ўз вақтида олиб борилиши тушунилади;

- давлат ҳисобининг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги. Йўқ килинган ва архив сақловхонасига расман келиб тушмаган ҳужжатлар миқдорини акс эттириши керак. Акс ҳолда у ёки бу соҳанинг барча статистик маълумотлари нотўғри кўрсатилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳисоб бирлигига архив фонди (шунингдек, унга архив коллекцияси тенглаштирилган), сақлов бирлиги, алоҳида ажратилган ҳужжат киритилади.

Масалац, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви ҳужжатлари ҳажми 1990-йилда 21513 фонд, 1.307 907 сақлов бирлигидаги ҳужжатларни ташкил этган эди. Ўзбекистон Республикаси кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий Давлат Архивида 15 133 та кино, 195070 та фото 10325 та овозли ҳужжатлар сақланган. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Архив муассасалари амалга оширади.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатларга қўйидагилар киради:

1. Республика давлат архивлари.

2. Давлат музейлари ва кутубхоналари.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари ва вазирликлар архивлари.

4. Идоравий архивлар.

5. “Ўзархив” агентлиги билан келишилган ҳолда Миллий архив фондига киритилган жисмоний ва юридик шахслар нодавлат архивлари ҳужжатлари.

Давлат рўйхатидан ўтказишнинг замонавий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Архивлари тўғрисида” ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябр 482-сонли “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори асосида амалга оширилади. Юқоридаги хукуқий-меъёрий ҳуж-

жатларда Миллий Архив Фонди ҳужжатларининг сакланаётган жойидан қатъий назар, республикамиз давлат ва нодавлат корхона, муассаса, ташкилотлари томонидан архив ҳужжатлари ҳисобкитоб маълумотларини “Ўзархив” агентлигига тақдим этиш тартиби ва муддатлари ишлаб чиқилган.

Марказлашган ҳисоб ҳужжатлари ички ҳисоб ҳужжатларидан олинган маълумотларни муфассаллаштириш асосида тузилади.

Давлат архивларидағи асосий марказлаштирилган ҳужжатга ташкилот архиви паспортини киритиш мумкин. У ташкилот архивлари ҳужжатлари турларига (бошқарув, кино, сурат, овозли, илмий техника, тиббиёт) қараб тузилади.

Унинг таркибиға ҳар йилнинг 1 декабригача бўлган жорий архивнинг сақлаш шароити, сақлаш миқдори, кадрлар билан таъминлаш каби маълумотлар киритилади.

Ҳар йилнинг 1 январидан давлат архиви паспорти кўп сонли кўрсаткичларни ўз ичига олган куйидаги бўлимлардан иборат бўлиб, унинг ҳажми ва таркибини билдиради:

- архив материаллари;
- нусхалар суғурта фонди;
- илмий маълумотнома аппарати;
- ҳужжатларни сақлаш шароити.

Давлат архивларида фонд карточкалари юритилади. Улар “Ўзархив” агентлигига қарашли республика фонд каталоги асосини ташкил этади.

Давлат архивларида ҳар йилнинг 1 декабрида архив паспортлари асосида маълумотлар тўпланади.

Бутлаш манбалари миқдори тўғрисида бутун архив бўйича нодавлат ва давлат ташкилотлари, шунингдек, ташкилот архивларида йиғма жиллар номенклатураси, иш юритиш бўйича йўриқномалар, хона ва штатлар тўғрисида маълумотлар мужассамлаштирилади.

**2.** Давлат ҳисобида турган ва Миллий архив фонди ҳисобига киритилиши зарур бўлган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг унинг эгасига ягона намунада Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси берилади. “Ўзархив” агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари бланкларини ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланганлик тўғрисида ҳисобот бериш тартиби белгиланган.

Хужжатларни расмийлаштириш, уларни қисқа ёки узок муддатли сақланишига кўра тўлиқ ва қисман амалга оширилади. Узок муддатли хужжатлар (10 йилдан ортиқ сақланувчи) тўлиқ расмийлаштирилиб улар муқовасида ташкилот номи ва у қайси вазирликка қарашлилиги кўрсатилади, йигма жилд индекси, хужжатлар аннотацияси (ўта қимматли доимий сақланувчи хужжатларга тузилади), сана, варақлар сони, сақланиш муддати, йифмагилдинг архив шифри ёзилади. Шунингдек, доимий сақланувчи хужжатлар муқовасида кейинчалик топширилиши керак бўлган давлат архиви номи ёзилиши учун жой қолдирилади.

Архивларда ҳисоб хужжатлари турлари ва уларни юритиш тартиби. Ҳисоб ишларини амалга ошириш ҳисоб хужжатларини юритиш каби масъулиятли ва оғир ишини ўз ичига олади.

Ҳисоб хужжати дегани, ҳисоб бирликларида ифода этилган архив хужжатларининг кириш ва чиқишини, миқдори, тартиби ва ҳолатини ёритувчи маълум бир белгиланган шаклдаги хужжат туши билади. Барча ҳисоб хужжатлари ички ва марказлашган давлат ҳисоби хужжатларига бўлинади. Таркиби бўйича нодавлат, давлат, идоравий, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вазирликлар ва тармоқ давлат фондлари ва ташкилотлари архивлари, шунингдек, архив ишини бошқарувчи архив органлари ва “Ўзархив” агентлигига ажратилади.

**3. Миллий Архив** Фонди хужжатларини давлат архивларида сақлаш учун топширишга тайёрлаш. Ташкилотнинг таркибий бўлимлари томонидан идоравий архивларга узок муддатли (10 йилдан ортиқ) ва доимий сақланувчи, шахсий таркибий хужжатлар топширилади. Хужжатлар топширилиши рўйхатлар асосида амалга оширилади. Йифмагиллар билан бирга архивга ташкилотнинг рўйхатга олиш назорат карточкалари топширилади. Ҳар бир карточка сарлавҳаси рўйхатга қўшилади.

Вақтингчалик муддатли (10 йилдан кам) хужжатлар йифмагиллди идоравий архивларга топширилмайди. Улар марказлашган равишда девонхона ёки ташкилотнинг бошқа иш юритиш хизматида сақланади. Фақат алоҳида ҳолатлардагина ташкилот раҳбари қарори асосида топширилади.

Хужжатлар идоравий архив бошлиғи ёки архив учун жавобгар шахс томонидан қабул қилинади. Хужжатлар рўйхат асосида топширилади ва унинг иккала нусхасида ҳам топширилаётган ҳар бир йифмагиллар номлари тўғрисида белгилар қўйилади. Рўйхат сўнгига архивга қабул қилинган аниқ йифмагиллар миқдори, қабул

санаси, идоравий архив ходими ва топширувчининг имзолари қўйилади. Алоҳида кимматли ҳужжатлар қабул қилинаётганда ҳар бир варағи текширилади.

**4. Ички ҳисоб ҳужжатлар.** Мазкур ҳужжатлар барча шаклдаги маълумотлар асосида хизмат қиласи. Агар маълум бир даврнинг дастлабки шаклдаги маълумотлари ноаниқ, сифатсиз ра-вишда тушган ёки йўқолиб кетган бўлса, ҳеч қандай статистик маълумотларни олиш мумкин эмас.

Давлат архивлари ва муассаса архивлари ички ҳисоб ҳужжатлари бир-бирига ўхшаш тузилади. Улар таркибига ҳужжатларни қайд этиш китоби, фондлар рўйхати, фонд варағи, архив рўйхати, фонд иши киради. Бундан ташқари зарур бўлганда ва ҳужжатлар таркибидан келиб чиқсан ҳолда алоҳида сугурта фонди рўйхати, рўйхатлар реестри, ҳужжатлар харакатини ҳисобга олувчи карточкалар ва ҳисоб-китоби, йўқ қилишга ажратилган ҳужжатлар фонди ва иши ҳисоб-китоби, бошқа архивларга бериб юборилган ҳужжатлар ҳисоб-китоби, фонд паспорти ва х.к. юритилади.

Ҳужжатларнинг ҳар бир варағлари ҳисоби ички рўйхатлар ва тасдиқ варағи асосида амалга оширилади. Ҳар бир ҳисоб ҳужжатларига таъриф бериб ўтсак.

Келиб тушган ҳужжатлар китоби – архивга келиб тушувчи ҳужжатларни дастлабки ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Унинг ёрдамида қаердан, қачон, қандай ҳолатда ва қанча микдорда архив учун ҳужжатлар қабул қилинганини билиб олиш мумкин. Шунингдек, архивда сақланувчи маълум бир даврга тааллуқли ҳар бир фонд ва ҳужжатлари китоби маълум бир давр оралиғида архив фондларининг ўсиш динамикасини тўғри ёритиб бериш имкониятини яратади.

Китобга хронологик кетма-кетликда бир ёки иккинчи бир келиб тушишидан қатъий назар, барча қабул қилинган ҳужжатлар қайд этилади. Китоб юритишда фонд сақловчиси ва уни ташкил этувчи ҳақидаги маълумотлар тўғри келмаслиги мумкин.

Бундай ҳолатда иккаласи ҳам кўрсатилиши лозим. Агар ҳужжатлар муқовасиз келиб тушган бўлса, уларнинг оғирлиги кўрсатилади.

Ҳужжатлар таркиби топшириш рўйхати асосида тузилади, агар ундан рўйхат бўлмаса ҳужжатлар билан танишиб чиқилгандан сўнг тахминий равишда баён этилади.

Фонdlар рўйхати деб, фондлар қабул қилинганидан сўнг улар-

га қўйилган тартиб рақамлари кетма-кетлигига кўрсатилган архив фонdlари номлари келтирилган рўйхатга айтилади.

Фонд номида муассасанинг расмий равишда қабул қилинган тўлиқ ва қисқартма юридик номи кўрсатилади. Агар фонд ташкилотчисининг номи ўзгартирилган бўлса, унинг охирги номи берилади.

Фонdlар рўйхатининг асосий мақсади ҳар бир фондда ўзининг ноёб рақамини тасдиқлашдир.

Фонд номи киши исми каби бир марта берилади, фақат киши исмларидан фарқли ўлароқ, уни ҳеч қачон ўзгариши мумкин эмас.

Архив таркибидан фонд чиқарилиб ташланганидан сўнг ҳам бўш қолган рақам бошқа фондга берилиши мумкин эмас, у рақам остида олдинги фонд ташкилотчиси тўғрисидаги маълумотлар илмий таҳдилига киритилган бўлиши мумкин.

Фонд вараги ўз ичига фонд номи ва унинг барча ўзгартмалари, архив фонди раками, микдори, хронологик чегаралари, ҳужжатлар таркиби ва рўйхатлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади.

Фонд вараги ҳужжатларни қабул қилиш ва чиқариш ёзувлари асосида фонд таркиби ва ҳолатидаги ўзгаришлар динамикасини ёритади.

Фонд вараги уч бўлимдан иборат:

- фонд ташкилотчиси номининг ўзгартирилиши;
- фонд сакланаётган жой ва раками;
- фонд ҳужжатларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар.

Ҳужжатлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар таърифланган ва таърифсиз (муқовасиз) ҳужжатларга алоҳида тузилади.

Муқовасиз ҳужжатларни ҳисобга олганда ишлар ҳужжатлар ёки вараклар сони бўйича кўрсатилади. Муқоваланган ҳужжатларда эса фақатгина саклов бирлиги микдори келтирилади.

Фонд вараги бўйича ҳар бир рўйхатга рақам берилади. Агар бирон-бир рўйхат материаллари архив таркибидан чиқарилса, унинг рақами бошқаларга берилмайди.

Архив рўйхати ҳисоб маълумотномаси саналиб, унинг асосида алоҳида ва умумлаштирилган ҳисоб олиб борилади.

Фонд йиғмажилди (дело) – архив фонди тарихининг ёритувчи ҳужжатлар комплекси ҳисобланади.

Фонд иши таркибига фонд ташкилотчиси тарихи тўғрисидаги маълумотнома; фонд ишларини тартибга солиш схемаси, фондни қайта ишлаш бўйича ишчи йўриқнома, ҳужжатларни қабул

қилганлик ва йўқ қилиб юбориш тўғрисидаги далолатномалар, хужжатларни текшириш, уларнинг ҳолати, қайта текширилмайдиган даражада зиён кўрганлиги тўғрисидаги далолатномалар, хужжатларни текшириш, йўл кўрсаткичлар учун тайёрланган фонд тавсифи нусхалари; фонд материалларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотномалар ва ҳ.к. киритилади.

Фонд йиғмажилди таркибидаги барча хужжатлар тикилган ва ракамланган бўлиши, ҳар бир иш учун ички рўйхат тузилиши керак.

Ҳар бир фонд йиғмажилдига фонд рақами ва унинг номи берилади. Фонд йиғмажиллари тартиб ракамлари бўйича сақланади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришда “Архив тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асос қилиб олинган.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш дафтарига ёзиб қўйилади. Ушбу дафтарни юритиш тартиби “Ўзархив” агентлиги томонидан белгиланади.

Қўйидаги ҳолларда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига ўзгартиришлар киритилади:

- хужжатларга эгалик ҳукуқининг бошқа шахсларга ўтказилиши ёки эгалик ҳукуқидан маҳрум қилинганда;
- хужжатлар саклаш жойи ва шароитлари ўзгарганда;
- хужжатлар ноёб ҳужжат ёдгорликлари сирасига ўтказилганда;
- рўйхатдан ўтказилган хужжатлар нусхалари хорижга олиб чиқилганда.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси йўқолиб ёки тузатиб бўлмайдиган даражада яроқсиз бўлиб қолганда архив муассасаси унинг эгаси аризасига кўра ёки ўз ташабbusи билан юқоридаги қоидага мувофиқ тақорорий гувоҳлик беради. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласига доир архив муассасалари ва ҳужжат эгалари ўртасидаги низолар “Ўзархив” агентлиги томонидан қўриб чиқилади. Агентликнинг ушбу масалалари бўйича қарори устидан хўжалик судига арз қилиш мумкин.

### **Савол ва топшириқлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини давлат ҳисобига ўтказиш жараёни қандай амалга оширилади?

2. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатларга нималар киради?
3. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг замонавий қоидалари қандай?
4. Давлат ҳисобида турган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш тартиби қандай амалга оширилади?
5. Архивларда ҳисоб ҳужжатлари турлари ва уни юритиш тартиби-чи?
6. Ички ҳисоб ҳужжатлари қандай амалга оширилади?

### **7-мавзу: Ўзбекистон Республикаси архив ишини бошқариш тизими.**

**Режа:**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги “Архив ишини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарор.

2.“Ўзархив” агентлигининг таркибий тузилмаси, Марказий давлат архивлари ва уларнинг таркибий тузилмаси.

3.Бошқарув тизимининг асосий функциялари.

4.Архив ишини режалаштириш, шахсий таркиб билан ишлаш.

**1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги “Архив ишини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошқаруви Республика органлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда архив ишини бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш архивларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида 2004 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорига асосан Республика архив ишини бошқариш органи таркибий тузилмасига ўзгартиришлар киритилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Архив хизматини Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлиги бошқариб келмоқда.

2004 йил 3 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Архив ишини бошқаришни янада таомиллаштириш тўғрисида” 49-сонли Қарори қабул қилинди ва унга асосан қўйидагича ўзгартиришлар киритилди.

1. “Ўзбошархив” бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлигига айлантирилади ва унинг асосий вазифалари белгиланади.

2. “Ўзархив” агентлигининг Бош директори макомига кўра Вазирнинг биринчи ўринбосарига, Бош директор ўринбосари - вазир ўринбосари тенглаштирилади.

3. Архив иши худудий бошқармаларининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Конғашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишув бўйича “Ўзархив” агентлигининг Бош директори томонидан лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш белгиланади.

4. “Ўзархив” агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви кутубхонаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тарихий-илмий нашрлар ва даврий матбуотнинг назорат нусхаларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритилади.

5. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим марказига “Ўзархив” агентлиги тизими муассасалари, республикамизнинг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан тузилган шартномаларга мувофиқ, архив иши бўйича олий ва ўрта маҳсус, касб-хунарга оид маълумотли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бир қатор ишлар бажариш юклатилди.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 февралдаги архив ишини яхшилаш тўғрисидаги Қарори ва архив иши тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатлари республикамиз архив ишини ташкил этиш ва сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

**2. “Ўзархив” агентлигининг таркибий тузилмаси, Марказий давлат архивлари ва уларнинг таркибий тузилмаси.**

“Ўзархив” агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги бош архив бошқармасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиб, ташкилий тузилмаси ва ходимларнинг умумий сони 10 нафардан, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 9 нафардан иборат.

“Ўзархив” агентлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган Бош директор раҳбарлик қиласи ва унинг бир нафар ўринбосари бўлади.

Бош директор лавозимига кўра вазирнинг биринчи ўринбосари, вазир ўринбосарига тенгдир. Бош директор агентликка юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардир ҳамда ўринбосари ва тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлиги даражасини белгилайди. Шунингдек Бош директор республика марказий давлат архивлари директорлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва озод қиласи. Зарур ҳолларда архив иши ва иш юритишида, хужжатларни ташкил этиш масалалари бўйича буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар ва бошқа норматив хужжатлар қабул қиласи.

“Ўзархив” агентлиги апаратининг таркибий бўлинмалари ва унга бевосита бўйсинувчи Марказий давлат архивлари тўғрисидаги низомни тасдиқлайди.

Агентлик таркибий тизимини раҳбар ходимлари тартибга киритган беш кишидан иборат ҳайъат ташкил этган. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат ўз мажлисларини архив ишини ривожлантириш, фан техника ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш, идора ва давлатлараро алоқаларни ривожлатиришнинг асосий масалаларининг ҳамда фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади, қонун ва норматив хужжатлар лойиҳаларини муҳокама қиласи. Ҳайъат қарорлари агентликнинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади. Бош директор ва ҳайъат ўргасида пайдо бўлган низоларни Вазирлар Маҳкамаси ҳал этади.

Бундан ташқари “Ўзархив” хузурида архив ишининг муаммоларини кўриб чиқиши бўйича илмий кенгаш, марказий эксперттехшириш комиссияси фаолият кўрсатади. Улар тўғрисидаги Низом Бош директор томонидан тасдиқланади. “Ўзархив” агентлиги юридик шахс ҳисобланиб, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **3. Бошқарув тизимининг асосий функциялари.**

Ўзархив агентлик архив иши ва иш юритиши соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги қонун хужжатларининг амалда бажарилиши ва уларга риоя этилиши устидан назоратни тайинлаш, миллий архив фонди хужжатларини шаклланти-

риш, сақлаш ва давлат томонидан ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, архив ишининг ҳолатини таҳлил қилиш уни ривожлантириш йўналишларини белгилаш, республика давлат архивларини бошқариш, илмий ва методик ишларни ташкил этиш, мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини ва фан-техника ютуқларини архив муассасаларини амалиётга жорий этиш, маҳаллий ва чет эл тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш каби асосий вазифаларни бажариб келмоқда.

Юқорида баён этилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда “Ўзархив” агентлиги зиммасига қуйидаги хизматлар юклатилган: архив иши ва иш юритишнинг илмий дастурларини ва концепцияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, Миллий архив фондини ҳужжатлар билан тўлдириш, сақлаш ва фойдаланиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш ҳамда уларининг амалга оширилишини таъминлаш. Шунингдек, давлат архивлари ҳужжатларидан фойдаланиш тартибини белгилайди, архив иши соҳасида юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни тенг шарт-шароитлар яратиш усули билан мувофиқлаштириб боради, фойдаланувчиларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласди. Давлат сақловига қабул қилишда ҳужжатларнинг илмий ва амалий қимматини экспертизадан ўтказишни давлат архивларидаги ҳужжатларни тўлдириш, сақлаш ва ҳисобга олишни ташкил қиласди.

“Ўзархив” агентлиги давлат томонидан сақланиши учун бирлаштирилиши керак бўлган, шу жумладан сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатларнинг намунавий рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, республика бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг идоравий рўйхатларини тузади.

Бундан ташқари ҳужжатларни республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган архив фондлари таркибига киритиш масалаларини ҳал қиласди, республика аҳамиятига эга бўлган фондларни давлат архивларида тўплаш, шунингдек, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикалари, Тошкент шаҳри давлат архивларидан вилоятлар давлат архивларига ва аксинча бир вилоятнинг ҳужжатларини, бошқа вилоят давлат архивига бериш тадбирларини амалга оширади. Архив муассасалари томонидан юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини тасдиқлайди.

#### **4.Архив ишини режалаштириш, шахсий таркиб билан ишлаш.**

Идоравий архивлар иши асосий коидаларини “Ўзбошархив” комиссияси кўрсатган илмий тадқиқот ва методик ишларга оид камчиликларни тузатиш.

Архивлар аҳволини комплекс текширув ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим тизими муассасаларида иш юритишни ташкил қилишни текшириш.

“Ўзбошархив” нинг 1989 йил 23 октябрда тасдиқланган жадвали асосида давлат архивлари хисобли ҳужжатларини “Ўзбошархив” нинг РКФи билан солишиши.

Матнни очиб бераётган ҳужжатларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва тиклаш бўйича иш олиб бориш. (“Ўзбошархив”нинг матни аниқ бўлмаган ва ўчиб бораётган ҳужжатларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги тавсияномаларидан билиш мумкин ).

Кам қувватли фонdlар ҳужжатларини экспертиза килиш бўйича иш олиб бориш.

Олий ўқув юртларида диплом ишларини, уларнинг идора архивларида сақланиш муддатларини ўзгартириш имкониятини кўриш ЭТК таклифларини муҳокама этиш.

Тугатилган муассасалар ҳужжатларини тартибга киритиш ҳолларини таҳдил этиш.

Саноат ва фуқаролик қурилиши бўйича ўзбек давлат корпаратияси ҳайъатининг 1993 йил 16 июль қарорини амалга ошириш борасида саноат ва қурилиш бўйича Ўзбекистон давлат корпаратияси тизими ташкилотларида сақлов муддати тугаган ҳужжатларни қабул қилиш.

“Ўзбошархив” маҳаллий архив муассасаларига архивларни ҳужжатлар билан бутлаш, ҳужжатлар қимматлилигини экспертиза қилиш, ҳужжатларни идоравий сақланишини такомиллаштириш, иш юритишдаги архив ҳужжатларидан фойдаланишини фаоллаштириш ва архив ишини режалаштиришда амалий методик ёрдам кўрсатади, шунингдек, режанинг амалга оширилишини назорат қилиб боради.

Шахсий таркиб бўйича материаллар давлат сақловига одатда давлат архивлари учун ҳужжатлар тўпловчи манба ташкилотлардан танлаб олинади.

Шахсий таркибга тааллукли ҳужжатларни давлат сақловига ажратиш иши манба ва муассасалар доирасини белгилаб олишдан, бу муассасаларда ҳужжатли материалларни ажратиб олиш навба-

тини белгиловчи жадвал рўйхатини тузишдан бошланмоғи керак. Бунинг учун идораларнинг хужжатли материаллар ҳақида давлат архивларида қандай материаллар мавжуд бўлса уларнинг ҳаммасидан фойдаланилади. Архивнинг З статистик ҳисобати шакли, жамғарма ва назорат картатекаси, жамғарма таркибидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар, хужжатлар, материалларнинг қўшимча ведомости ана шу маълумотлар сирасига киради. Бу ишлар асосан муассасанинг хужжатларини давлатга топшириш учун тайёрлаш жараёнида олиб борилади.

Асосий хужжатларга қуйидаги таърифни бериш мумкин: мазмуни фуқаролар (ишли ва хизматчилар, илмий ходимлар, муҳандислар, фан ва санъат арбоблари, ўқитувчилар, нафақахўрлар ва ҳ.к.) нинг давлат, жамоат ва кооператив муассасалар ва ташкилотлардан ўзаро ҳукуқий, меҳнат, хизмат ва бошқа алоқаларини тўла очиб берадиган хужжатлар асосий хужжатлар деб аталади. Бундан ташқари шахсий таркибга оид асосий микдордаги хужжатлар масалан раҳбарият, кадрлар бўлими, бухгалтерлар, ўқув бўлими ажратиб олинади.

Шахсий таркиб бўйича хужжатларни давлат сақловига ажратиш иши бу гурухдаги материалларнинг умумий жамғарма материаллари билан, шунингдек, жамғармаларни ташкил этувчи муассасага тобе бўлган идораларнинг фаолиятида тузилган материаллар билан олиб бориш керак.

### **Савол ва топшириқлар.**

1. “Ўзархив” агентлигининг таркибий тузилмаси қандай?
2. Марказий давлат архивлари ва уларнинг таркибий тузилмаси-чи?
3. Бошқарув тизимининг асосий функциялари нималардан иборат?
4. Архив иши қандай режалаштирилади?

### **8-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларига илмий маълумотнома аппаратини ташкил этиш.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди илмий маълумотнома аппарати тизими.

- 2.Архив рўйхати, рўйхат тузишни ташкил қилиш усули.
- 3.Йиғмажиллар рўйхатини тузиш усули.
- 4.Хужжатлар хақидаги ахборотларни туркумлаш. Каталоглар.
- 5.Архив хужжатларини каталогглаштириш

## **1.Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди илмий маълумотнома аппарати тизими.**

Архив хужжатларига илмий маълумотнома аппаратини тузиш иши давлат архивларининг илмий ахборот фаолиятининг муҳим таркибий қисмиdir. Хужжатларни давлат архивидан тезда топиш учун улар ўрганилиб, таҳлил қилиниб, хужжатларнинг таркиби, мазмуни, манзили тўғрисидаги маълумотлар қисқа умумлашган шаклга келтирилади. Хужжат тўғрисидаги бундай ахборот, варака карточкага ёзиб маълумотномаларга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибидаги хужжатларни ҳисобга олиш, қидириб топишни осонлаштириш, ундан унумли фойдаланишни ташкил қилиш мақсадида юқорида таъкидланган йўл билан уларда илмий маълумотнома аппарати тизими ташкил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди илмий маълумотнома аппарати тизими ўзаро узвий боғланган ҳисоб хужжатлари, архив маълумотлари, механизациялашган ва автоматлашган ахборот-қидириув тизимидан иборатdir. Бу бир хил усул ва қоида асосида тайёрланиб йиғмажилд, архив фонди, давлат архиви Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди доирасида хужжатларни эҳтиёт қилиб сақлаш ва самарали қидиришни таъминлаш учун тузилади. Илмий маълумотнома аппарати барча даражадаги хужжат мажмуаларига қараб тузилади.

Бу маълумотнома қўйидагилардан иборат;

1.Республика фондлар каталоги - Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига тегишли маълумотнома;

2.Архивларда кўрсаткич (йўлкўрсаткич)лар, архив фондлари ҳақида маълумотнома, кирим дафтари, фондлар рўйхати, фондлар ва рақалари, тизимли каталоглар, предметли ва исмли каталоглар;

3.Фондга тегишли маълумотлар, ҳисоб хужжатлари, фондларнинг шарҳи, тизимли каталог, мавзу бўйича каталог, исмли ва фонд ва рақасининг рўйхати.

4.Айрим йиғмажилдга тегишли маълумотномалар ҳамма турдаги айрим йиғмажилдинг ички хужжатлари рўйхат ва бошқалар. Барча ҳисоб хужжатлари маълумотномалар каби фондлар доирасидаги хужжатлар ҳақида зарур ахборот беради. Масалан, фонд

варақаси, фонд тартиб рақами, номи, йиғма-жиллар сони, йилла-ри фонд таркиби түғрисида қисқача ахборот беради.

Хужжатларни ҳисоб қылувчи асосий маълумотнома бу опис йиғмажиллар рўйхатидир. Бошқа архив фонdlаридан фарқли ўлароқ рўйхат фонд ичida йиғмажилларни ҳисоблаш ҳар бир йиғмажилдни вараклар сонини белгилаш билан бирга у бир вақтда йиғмажилднинг таркиби ва мазмуни түғрисидаги ахборот маълумотнома ҳамдир. Республиkaning барча архив ҳужжатлари түғрисидаги энг умумий маълумотнома республика фонdlари каталогидир. Вилоят миқёсидаги архив ҳужжатлари түғрисидаги умумий маълумотнома ҳудудий архив иши бошқармасининг фонд каталогидир. Бу маълумотномалар ёрдамида тарихчи тадқиқотчи қайси архивда у ёки бу мавзуга оид қандай ҳужжатлар борлигини аниқлай олади. Шундан кейин керакли давлат архивларига бориб ўша архив кўрсаткичи ёки архив фонdlарининг қисқача маълумотномаси фонdlар рўйхати ва варакаси ўрганилади. Бу маълумотлардан тадқиқотчи учун керакли ҳужжатлар архивни қайси фонdlарида эканлиги аниқланади. Архив фонdlарининг йиғмажиллари рўйхати билан танишиб чиқиш кераклиги, ҳужжат қайси йиғмажилдда эканлигини аниқлаш имконини беради. Керакли йиғмажилд архивдан аниқлаб олиниси үлардан тадқиқотчига зарур ҳужжат топилади ва кўчириб олинади. Бир мавзуга оид барча фонdlардаги ҳужжатларни давлат архивининг тизимли мавзулар бўйича тузилган каталоглар ёрдамида аниқлаб керакли ҳужжатларни танлаш ва уларни архивдан олиб ўрганиш, тадқиқ қилиш имконини туғдиради. Шундай қилиб, илмий маълумотнома аппарати тизими таркибига кирувчи маълумотномалар ҳар бири ўзига хосдир. Шу билан бирга ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдириб Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари түғрисида зарур маълумот беради.

## **2.Архив рўйхати, рўйхат тузишни ташкил қилиш усули.**

Архив рўйхати опис – бу ҳисоб ҳужжати ва айни вақтда ҳужжатларнинг мазмуни бўйича маълумотномадир. Бунда архив фонdlари йиғмажиллари сарлавҳаси, санаси ва варакнинг сони рўйхати унинг таркиби ва мазмуни түғрисида маълумот берилади. Рўйхатлар ташкилотлар бўлимларида ва давлат архивларида тузилади. Давлат архивида ушбу рўйхатлар такомиллаштирилади. Рўйхат икки қисмдан: - йиғмажиллар рўйхати ва рўйхатга тузилган ёрдамчи маълумотлардан иборат. Рўйхатнинг асосий қисми йиғмажиллар рўйхати қуйидаги ахборот элементларини ўз ичига

олади: тартиб рақами, идора бўлимидағи йиғмажилднинг рақами, йиғмажилднинг сарлавҳаси, йиғмажилднинг бошланган ва тугатилган санаси, вараклар сони ва изоҳ ёзилади. Рўйхатнинг тузилиши фондни ташкил қилган идоранинг тизими билан бир хил бўлади. Рўйхатда йиғмажиллар йил бўйича, йил ичида идора тузилиши бўлимлари бўйича жойлаштирилади ва ёзилади.

Доимий сақланадиган йиғмажилларга алоҳида рўйхат тузилади. Мабодо йиғмажиллар кўп бўлса, рўйхатлар йиғма рақамлари тўрт хонали сонга етгандан кейин янги рўйхат тузилади. Ҳар бир рўйхат бир рақами билан бошланади. Қуйидаги хужжатларга алоҳида рўйхат тузилади:

Идоранинг шахсий таркибига, ходимларга оид материаллар.

Вақтинча сақланадиган хужжатлар.

Фонд материалларига тузилган варақалар каби маълумотномаларга.

Идорада доимий сақланадиган хужжатларга рўйхатлар икки хил тузилиши мумкин.

Идоранинг ҳар бир бўлими бир йилга оид хужжатларга алоҳида рўйхат тузади. Ҳамма бўлимлардан олинган бундай рўйхат девонхонада жамланади ва бир турдаги ҳужжатлари бўлган ҳамма бўлимларнинг умумий рўйхати тузилади. Шу тартибда умумий рўйхатга материаллар йилма-йил қилиб умумий рўйхат тузилади.

Идоранинг бўлими барча йилларга оид хужжатларга алоҳида рўйхат тузади. Кейин юқоридаги тартибда йилма-йил қилиб умумий рўйхат тузилади. Идораларда йиғмажиллар рўйхати тўрт нусхада тайёрланади. Бу рўйхат давлат архивининг эксперт текшириш комиссияси (ЭТК) да тасдиқланганидан кейин ташкилотнинг архив фонди давлат архивига қабул қилинади ва унга қўшиб уч нусха рўйхат ҳам топширилади. Бири ҳисоб ҳужжати сифатида эҳтиёт қилиб ҳисоб бўлимида, сақланади, бошқа нусхалардан давлат архивининг ўқув хонасида фойдаланилади.

### **3. Йиғмажиллар рўйхатини тузиш усули.**

Йиғмажилдни баён қилиш. Рўйхатнинг асосий қисми, юқорида кўрсатилганидек, йиғмажилднинг сарлавҳасидир. Рўйхат тузишдан олдин ҳар бир йиғмажилд баён қилинади. Йиғмажилдни баён қилиш идорада иш юритиш жараёнида амалга оширилади. Йиғмажилдни баён қилишда муқавага қуйидаги маълумотлар ёзилади:

- идоранинг номи;
- идора бўлимининг номи;
- йиғмажилд номенклатура бўйича индекси;
- сарлавҳа;
- сана (йиғмажилдинг бошланғич, тугаган саналари);
- вақоғлар сони;
- сақлаш муддати;
- архив шифри.

Йиғмажилд муқовасига идоранинг номини ёзиш билан йиғмажилд қайси фондга тегишли эканлиги белгиланади.

Йиғмажилдинг идорадаги номенклатура бўйича индексининг рўйхатда кўрсатилиши йиғмажилларни тартибга солишни осонлаштиради ва идоравий архивнинг қай даражада сақланганлигини кўрсатади.

Йиғмажилдни баён этишнинг асосий қисми сарлавҳадир. Сарлавҳада йиғмажилддаги ҳужжатларнинг мазмуни қисқача очиб берилади.

### **Сарлавҳа қуидаги қисмлардан иборат:**

- ҳужжатнинг тури ёки хили;
- муаллифи;
- корреспондент (хат ёзилган идора);
- мавзу;
- манзил;
- йиллар ва бошқа маълумотлар.

Сарлавҳанинг энг муҳим жиҳати мавзунинг ҳужжатларда ёритилганлиги масаласидир. Шунинг учун ҳам бу қисм аниқ ва тушунарли қилиб ёзилиши керак.

Кўп ҳужжатлардан ташкил топган йиғмажилдни баён этишда сарлавҳада йиғмажилд мазмuni ва ундаги ҳужжатларнинг таркиби умумлаштирилган ҳолда ифодаланади. Бундай ҳолларда “Материаллар”, “Иш”, “Ёзишма” каби турдош номлар қўлланилади. “Материаллар” сўзи йиғмажилд хилма-хил ҳужжатлар турларидан ва бир ёки бир неча масалага оид бўлса ва улар ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлмаган ҳолларда ишлатилади. “Иш” сўзи эса тўпланган ҳужжатлар хилма-хил бўлган ҳолда улар бир масалага тегишли бўлганда қўлланилади.

Масалан, “Ўзбекистон Миллий университети шанбалик ўтказиши тўғрисидаги иш”, одатда “иш” суд органлари фондларида кўп бўлади.

“Ёзишма” тушунчаси йиғмажилд ҳужжатлари сўроқ ва жавоблардан иборат бўлганда ишлатилади. Масалан, “Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбекистон Руспубликаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти тўғрисидаги ёзишмаси”.

Кўп ҳолларда йиғмажиллар ҳужжатларнинг бир туридан иборат бўлади. Масалан, буйруклар, қарорлар, режалар, ҳисоботлар, йўриқномалар ва хоказолар.

Йиғмажилд буйруқ, мажлислар баёнларидан иборат бўлса, уларнинг тартиб ракамлари, санаси, асл нусха ёки кўчирма эканлиги кўрсатилади. Масалан, “Ўзбекистон Миллий университети илмий кенгашининг йигилишлари баёнлари. 1-6 сон, 1956 йил январь-июнь. Асл нусха”, буйруқ, қарор ва баённомаларда кўп масалалар ёритилиши сабабли сарлавҳада мавзу кўрсатилмайди.

Йиғмажилднинг ҳужжатлари орасида машҳур шахсларга тегишли ёки муҳим тарихий воқеага оид ҳужжатлар, фотосуръятлар, харита, рисола, варака ва бошқа шунга ўхшашлар учраши мумкин. Бу ҳужжатларга мухтасар (аннотация) тузилади. Ушбу баёнда ҳужжатнинг қисқача мазмуни ёзилади, у йиғмажилднинг муқовасига сарлавҳадан кейин ёзилади.

Шундан кейин муқовага йиғмажилд санаси, вараклар сони, сақлаш муддати ва архив шифри ёзилади.

Йиғмажиллар рўйхатини тузиш. Йиғмажиллар баён қилинганидан ва муқовасига ёзилганидан кейин уларнинг рўйхати тузилади. Рўйхат тузилаётганда унинг учун керак бўлган барча маълумотлар йиғмажилд муқовасидан олинади.

Баён қилинган йиғмажиллар, йиллар бўйича ва йил ичida идора тузилиши бўлинмалари бўйича гурухлаштирилади ва шу тартибда рўйхатга ёзилади. Рўйхатнинг охирида якунловчи ёзув бўлади. Бунда рўйхатга нечта йиғмажилд киритилганлиги кўрсатилади. Шунингдек, литер (ҳарф) билан ёзилган жиллар (2а, 5б, 5а, 5в, ва бошқ.,) ва тушириб қолдирилган рақамлар қайд қилинади. Рўйхатга одатда ёрдамчи маълумотнома аппарати тузилади. Бу рўйхатнинг бош саҳифаси, кириш, кўрсаткичлар қисқартирилган сўзлар рўйхати ва башқалардан иборат. Бош саҳифада давлат архивининг номи, фонд номи, фонд рақами, рўйхат рақами, рўйхат номи, рўйхатга киритилган материалларнинг санаси, рўйхат вараклари сони ёзилади.

Бош саҳифа рўйхатга киритилган ҳужжатлар мажмуи тўғрисида умумлашган ахборот беради.

Шундай қилиб архив рўйхати фонд йиғмажиллари, хужжатлари тўғрисида муҳим маълумотлар берадиган ҳисоб ҳужжати ва архив маълумотномасидир.

#### **4. Ҳужжатлар ҳақидаги ахборотларни туркумлаш. Каталоглар.**

Ҳужжатлар ҳақидаги ахборотларни туркумлаш (классификациялаш) бу ҳужжатлар мазмуни, объектлари, предметлари орасидаги мантиқий боғлиқликни аниқлаш, ҳужжатлардаги ахборотларни тартибга солиш ва тезда топиш усулидир.

Ҳужжатлар ҳақидаги ахборотларни туркумлаш каталоглар тузишга, маълумотни механизациялашган ва автоматлашган қидиув усулини ташкил қилишга қаратилган.

Каталог – бу архив маълумотномаларининг бир тури. Унда ҳужжатлар ҳақидаги (варакларга ёзилган) ахборотлар, мавзулар тармоқлар бўйича гурухлаштирилган бўлади. Каталоглар бири фондга, архивнинг барча фондларига бир неча архивларга, ҳатто республика архив фондига тузилган бўлиши ҳам мумкин. Каталог фондлараро, архивлараро маълумотнома ҳисобланади. У архив маълумотномалари орасида муҳим ўрин тутади.

Каталоглар бир архивнинг бир неча фондлари, шунингдек, бир неча архивларда сақланаётган ҳужжатлар таркиби ва мазмуни ҳақида тўла маълумотлар олиш имконини беради. Архивларда каталоглар архив илмий маълумотнома аппаратининг таркибий қисми ҳисобланади

#### **5. Архив ҳужжатларини каталоглаштириш.**

Ҳар бир давлат архивида ҳужжатларни каталоглаштириш ишлари амалга оширилади. Архив ҳужжатларини каталоглаштириш деганда, – каталоглар тузиш жараёнида бажариладиган барча ишлар, яъни каталогларни тузиш тарҳларини (схема) ишлаб чиқиши, ҳужжатларни топиш, танлаб олиш, баён қилиш, шунингдек, каталоглар турларини топиш, танлаб олиш, баён қилиш ҳамда каталогларнинг турларини уларни тузиш усулларини аниқлаш ишлари назарда тутилган.

Каталоглар ўзига хос тузилишга эга. Тармоқ, муаммо, мавзу, масала, фамилиялар, саналар бўйича бирлаштирилган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар каталогдаги бўлимлар, бўлинмалар, мавзулар ва бошқа бўлакларни ташкил қиласди.

Каталоглар тузилишини ҳужжатлар ҳақидаги ахборотлар туркуми тарҳлари белгилайди. Ҳужжатлар ҳақидаги ахборотларни туркумлаш тарҳи ёзма ёки чизмали ҳужжатдир. Бу тарҳ маълум

мантиқ билан жойлаштирилган ва ҳужжатлардан олинган ахборотларни шу бўлаклари бўйича жойлаштиришга мўлжалланган каталогнинг туркум бўлаклари рўйхатидир.

Мана шу тарҳ орқали ҳужжатларни ўрганиш, варақаларга баён қилиш ва уларни каталогда гурухлаш жойлаштириш ишлари амалга оширилади. Каталогнинг туркум тархи ҳужжатларни топиш, баён қилиш ишларидан олдин тузилади. Тарҳ бўлаклари маълумотнома тузувчилар, мутахассислар иштирокида аниқланади ва белгиланади. Туркум тархи қанча тўла, мукаммал, чуқур ишланган бўлса, ҳужжатлар мазмунини шунча аниқ очиб бериш имкони туғилади.

Ҳужжатлар ҳақидаги ахборотлар каталогда варақаларга ёзилиб, жойлаштирилади. Варақаларда баён қилинган ахборотлар айрим ҳужжат, битти йиғмажилд ёки бир-бирига ўхшаш бир гурух йиғмажилларга тегишли маълумотларни ўз ичига олади. Шу билан каталог варақаларидағи маълумотлар йиғмажиллар рўйхатидаги маълумотлардан фарқ қиласи. Маълумки, рўйхатда битта йиғмажилдга тегишли маълумот берилади. Каталогнинг рўйхатдан устун томони ҳам шундадир.

Каталогнинг асосий бўлаги, рубрика, сарлавҳа қисмидир. Бу қисмда аниқ масаланинг номи, шахснинг фамилияси, сана тўғрисида ҳужжатдаги маълумотлар бўлади. Тадқиқотчини шу масала ёки фамилия қизиқтирса, ҳужжат шартли белгиси (шифри) – манзилини ёзив олиб, архивдан тезлик билан топиб фойдаланиши ва тадқиқ қилиши мумкин бўлади.

Каталогларнинг турлари. Архив каталоглари тузилиш қоидаларига кўра иккига бўлинади:

- мантикий;
- алфавит бўйича.

Биринчи тур каталогларда архив ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар мантикий, ўзаро боғлик ҳолда бўлади. Иккинчи турида эса, ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар ўзаро боғланмаган ҳолда, яъни алифбо бўйича жойлашган бўлади. Мантикий тузилишдаги каталоглар таркиби тизимли, даврий ва мавзу асосларидағи каталоглар киради.

Алифбо тузилишидаги каталоглар таркибиға исмлар, географик номлар ва бошқа каталоглар киради.

Ҳусусан, мантикий тузилишдаги каталоглар – тизимли (систематик) каталог. Бунда ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар билим

соҳалари ёки жамият амалий фаолияти соҳалари бўйича гурӯхлаштирилади. Кейин мантиқий боғланган ҳолда кетма-кет жойлаштирилади. Тизимли каталог умумий ва айрим тугунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати асосида тузилади. Масалан, “Дин” умумий тушунчасига қуидаги айрим тушунчалар киради, “Ислом”, “Христианлик”, “Индуизм”, “Иудаизм” (яҳудийлик), “Будда”. Ўз навбатида “Ислом” ҳам умумий тушунча бўлиб, айрим тушунчаларга бўлинади. Бундан бўлиниш “олийдан – оддийга”, “умумийдан – айримга” тамойили бўйича давом этади. Барча туркум тарҳлари ичида тизимли каталоглар тарҳлари энг мураккабидир.

Хозирги кунда бутун дунё кутубхона ва архивларида, шунингдек, мамлакатимизда “Универсал ўнлик туркуми (классификацияси)” тизимли каталоглар учун кенг фойдаланилади. Бу туркум асосида давлат архивлари тизимли каталоглар учун туркум тарҳи ишлаб чиқилади.

“Универсал ўнлик туркуми” нинг моҳияти шундаки, унга кўра битта умумий тушунчага бўйсунган, боғланган бир гуруҳ предметлар бир деб қабул қилинган. Умумий тушунчалар айрим тушунчаларга бўлинган. Бу тизимга биноан архивдаги барча маълумотлар 10 синфга (1 дан 9 гача, 0-умумий) бўлинган. Улар ўз навбатида юздан, мингдан бир қисм ва бошқа майда бўлакларга бўлинади.

“Универсал ўнлик туркуми”нинг асосий бўлимлари қуидаги-лардан иборат:

- умумий бўлим;
- фалсафа;
- дин;
- ижтимоий фанлар;
- филология. Тилшунослик;
- математика, Табиий фанлар;
- амалий билимлар. Тиббиёт. Техника;
- санъат, фотография, томошалар;
- адабиёт. Адабиётшунослик;
- ўлкашшунослик. География. Тарих. Биографиялар.

“Универсал ўнлик туркуми” кутубхоналар учун ишланган бўлса-да, ундан иш юритиш ва архив материалларини туркумлаш учун ҳам фойдаланса бўлади.

Мавзу бўйича каталоглар. Давлат архивларида тизимли каталоглар 60 йиллардан кенг таркала бошлаган. Унга қадар архивларда асосан мавзу бўйича каталоглар тузилган. Ҳозир ҳам маҳаллий давлат архивлаш туман, вилоят архивларида, уларнинг филиалларида тизимли каталоглар тузиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, мавзу бўйича каталоглар асосий маълумотлардан бири ҳисобланади. Бундай каталогларда мавзу яна кичик мавзучаларга бўлинади. Масалан, Туркистон генерал-губернаторлигига миллий озодлик ҳаракати мавзуси бўйича каталогда қуидаги мавзу бор: 1876 йилдаги Пўлатхон қўзғолони, 1898 йилги Андижон қўзғолони, 1916 йилдаги ҳалқ қўзғолони ва ҳоказо. Буларнинг ҳар бири яна майда бўлакларга бўлинади.

Даврий каталоглар. Бундай каталог туркуми тарҳи даврлар, асрлар, йиллар каби бўлакларга бўлинади. Масалан, Марказий Давлат архивида сақланаётган вақфномалар учун даврий каталог тузилса, у асрлар бўйича бўлиши мумкин: XIII аср, XIV аср, XV аср, XVI аср, XVII аср, XVIII аср, XIX аср. Ҳар бир аср каталогнинг бўлими саналади. Бўлимлар бўлинмаларга - эллик, қирқ, ўттиз, йигирма, ўн йилликларга бўлинади. Масалан, XVIII аср, 1701-1710, 1711-1720, 1721-1730, 1731-1740 йиллар ва ҳоказо.

Алифбо бўйича тузиладиган каталоглар. Исмлар каталоги. Исмлар каталогида бўлимлар фамилиялардан иборатdir. Бўлимлар ичida бўлинмалар у ёки бу шахс фаолиятининг у ёки бу кирраларини ёритади. Масалан, Ф.Хўжаев: давлат фаолияти, партиявий фаолияти, илмий фаолияти, китоблар, рисолалар, мақолалар, маъruzалар, хатлар ва мазкур шахс ҳақидаги мақолалар.

Бўлимларда фамилиялар алифбо бўйича жойлаштирилади. Бўлинмалар ва бўлинманинг бўлакчалари алифбо бўйича эмас, тизимли, мантикий равишда бирин-кетин жойлаштирилади.

Географик каталог. Бу каталогнинг туркум тарҳи алифбо тартибида жойлашган географик ва топографик номлардан: вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар, дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқалардан иборат. Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар номлари бўлимлар ҳисобланади ва алифбо бўйича жойлаштирилади. Масалан, Тошкент шаҳри қуидаги бўлимларга бўлинади: тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, олий ўқув юртлари, коллежлар, мактаблар, саноат корхоналари ва ҳоказолар.

Каталоглаштириш учун хужжатларни танлаб олиш ва ахборотни баён қилиш усули.

Архивлардаги каталоглар тизимида уларнинг фондларидағи барча маълумотлар ўз аксини топиши керак. Фондларни каталогглаштиришда биринчи навбатда муҳим ва кўп фойдаланиладиган фондлар танлаб олинади. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (ЎзССР ХКС, Олий Совет Президиуми ва бошқалар) фондлари, иқтисодий-маданий соҳадаги, идора ва ташкилотлар ҳужжатлари муҳим фондлар рўйхати тузилади ва режалаштирилади.

Каталоглаштириш учун танлаб олинган фонд материаллари ўрганилиб, керакли йиғмажиллар танлаб олинади. Дастлаб рўйхатлардан идоранинг, ташкилотнинг асосий фаолиятини ёритувчи бўлимлари танлаб олинади. Ташкилотнинг ёрдамчи ҳўжалик соҳалари бўлимлари бўйича йиғмажиллар олинмайди.

Фонд йиғмажиллари танлаб олингандан кейин, улар синчиклаб ўқиб, ўрганиб чиқилади. Ҳужжатлардан энг муҳим ахборотлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар умумлаштирилиб, варақада баён қилинади. Бунда ҳужжатлардаги маълумотларнинг аҳамиятига қараб ҳар хил усуслар кўлланилади. Варақада бир ҳужжат, бир йиғмажилд ёки гурӯҳ йиғмажиллар баён қилиниши мумкин. Масалан, Туркистон АССР ХКС қарорларининг ҳар бири алоҳида баён қилинади. Муҳим архив фондлари ҳужжатларининг кўп қисми қимматли, аҳамиятли ҳужжатлар ҳисобланади. Кичик идоралар фондларини каталогглаштириш ҳужжатлар бўйича эмас, балки йиғмажиллар бўйича баён қилинади.

Шундай қилиб, каталоглар архивнинг илмий маълумотнома аппаратининг таркибига кирувчи муҳим маълумотномадир. Улар тарихчи, тадқиқотчилар ишлаётган мавзу бўйича архивдан керакли ҳужжатларни қисқа фурсатда топишга ёрдамлашади.

Архив ҳужжатларининг шарҳлари. Архив шарҳлари - бу айрим ҳужжатлар мажмуаси таркиби ва мазмуни тўғрисидаги тартибли ахборотларни ўз ичига олган маълумотномалардир. Шарҳлар архив ҳужжатларидан фойдаланишини кенгайтириш ва бу ҳужжатлар ҳақида манфаатдор ташкилотларни, илмий жамотчиликни хабардор қилиш мақсадида тузилади.

Шарҳлар одатда икки хил бўлади: архив фондлари ва мавзулар бўйича шарҳлар.

Фондлар шарҳлари – бу шарҳ битта фонднинг ҳужжатлари таркиби ва мазмуни, улардаги муҳим мавзу, масалалар тўғрисида кетма-кет ва атрофлича ахборот берган архив маълумотномасидир.

Мавзуу бўйича шарҳлар – битта мавзуга оид бир неча фондларида сақланаётган ҳужжатлар таркиби ва мазмуни тўғрисида ахборот берувчи архив маълумотномаларидандир.

Шарҳлар муҳим илмий, амалий аҳамиятга эга бўлган, долзарблиги билан бошқалардан ажралиб турадиган архив ҳужжатларига тузилади. У ёки бу архив фондида шарҳ тузишда фондни ташкил қилган идоранинг, ташкилотнинг аҳамияти, давлат идоралари тизимида тутган мавқеи, унинг ҳужжатларини долзарблиги ҳисобга олинади. Шарҳларни йирик ва ҳужжатлари кам ўрганилган фондлар бўйича тузиш мақсадга мувофиқдир. Битта мавзуга оид битта архивда сақланаётган бир неча фондларгагина эмас, республиканинг барча давлат архивларида сакланаётган ҳужжатларга шарҳ тузилса айни муддао бўлар эди.

Шарҳларни тузиш ҳам бир хил бўлади. Шарҳлар фондни ташкил қилган ташкилот тузилиши, бўлимлар, тармоқлар, мавзуу бўйича ва бошқа туркум тарҳлар бўйича бўлиши мумкин. Масалан, тармоқлар бўйича гурухлаш тарҳи шарҳ учун танланган бўлса, у куйидагича бўлади: саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, савдо, шахар ёки туман хўжалиги ва ҳоказо. Ҳар бир бўлим ичida шарҳ материаллари масалалар бўйича жойлаштирилади.

Шарҳларда ҳужжатларни баён қилиш усули каталог, рўйхат ва бошқа маълумотномаларникига ўхшашиб бўлади. Ҳужжатларнинг баёни дастлаб варақаларга ёзилиб, фонд ёки бир неча фондлар ўрганилиб бўлингандан сўнг варақалар шарҳ тарҳи бўйича гурухлаштирилади, таҳрир қилиниб шарҳ матни ёзилади.

Ҳужжатлар шифрлари аник, хатосиз бўлиши керак. Бу маълумотлар бўлмаса, шарҳ қадрсизланади, тадқиқотчи шарҳда баён этилган ҳужжатларни топа олмайди.

Давлат архивлари бўйича кўрсаткичлар. Давлат архивларининг илмий-ахборот фаолиятида йўлкўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади. Кўрсаткичлар архив фондлари тўғрисида мунтазам тартибда ахборот берувчи архив маълумотномасидир. Тадқиқотчилар кўрсаткичга архивда у ёки бу фонднинг бор-йўқлигини аниқлаш учун мурожаат қилишади.

Шу ўринда, кўрсаткичлар ҳам икки турга бўлинади: биринчисида архивдаги фондларнинг барчаси маълум тартибда жойлаштирилиб, таъриф берилади. Иккинчиси, давлат архиви фондлари бўйича қисқа деб аталади. Унда фондлар маълум тартибда жойлаштирилиб, муҳим фондларга қисқа маълумот ёзилади.

Бошқа фондларга қисқа маълумот ҳам ёзилмай, уларнинг фақат рўйхати берилади. Биринчи тур кўрсаткичлар Республика Марказий давлат архивларида, иккинчи тури вилоят архивларида тузилади.

Кўрсаткичлар одатда ишлаб чиқариш тармоқ тарҳи бўйича тузилади. Бу фондлар таърифлари давлат фаолияти, халқ хўжалиги, фан ва маданият тармоқлари бўйича гуруҳлаштирилади. Масалан, Ўз ССР Марказий давлат архивининг совет даври бўлими фонdlари бўйича кўrсаткич тарҳи кўйидаги бўлимлардан иборат:

1. Туркистон ўлкасида Мувакқат ҳукумат ташкилотлари фондлари;

2. Олий давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув идоралари фондлари;

3. Адлия ва суд идоралари фондлари;

4. Халқ хўжалиги ташкилотлари, корхоналар фондлари;

5. Маданият ва кундалик турмуш соҳасидаги ташкилотлар фондлари.

Шунингдек, ЎзССР Марказий давлат тарих архиви кўrсаткичи ва вилоят давлат архивлари бўйича қисқача маълумотномалар ҳам тармоқлар тарҳи асосида тузилади.

Фондларга таъриф бериш, хужжатларни баён қилиш усули фондлар материаллари таркиби ва мазмунига, уларнинг аҳамиятига боғлиқдир. Мухим фондларнинг ҳар бирiga алоҳида таъриф берилади. Турдош фондларнинг ҳар бир гуруҳига битта таъриф ёзилади.

Архив фондининг таърифи қўйидаги қисмлардан иборат:

- архив фондининг номи;

- фонд ҳақида маълумотлар;

- фонд ва фондни ташкил қилган идора тўғрисида қисқача тарихий маълумот;

- архив фонди хужжатларининг аннотацияси;

- библиографик маълумот.

Фондни ташкил қилган ташкилот ва фонд, фонд ҳақида қисқа тарихий маълумотда ўша ташкилот тарихи, асосий фаолияти ва фонднинг тарихи баён этилади.

Фонд тарихининг муҳим қисми фонд хужжатларининг муҳтасар баёнидир. Бунда фонд хужжатлари жуда қисқа шаклда, шу билан бирга фонд мазмунининг етарли даражада тўла акс эттирилиши талаб этилади.

Кўрсаткичда архивда сакланаётган барча фондлар ҳақида маълумот берилиши керак. Лекин ҳамма фондларга таъриф ёзилиши шарт эмас. Кўрсаткич охирида таърифи тузилмаган фондлар рўйхати берилади. Бу рўйхатда фонднинг номи билан бирга тартиб рақами, йиғмажиллар сони, фонд хужжатлари бошланган ва тугаган йиллар кўрсатилади.

Архив фондлари бўйича қисқача маълумотнома ҳам кўрсаткич тузиш қоидалари асосида тайёрланади. Фақат бу маълумотномада фондлар ҳақида маълумотлар тўла бўлмайди. Масалан, фонд хужжатларининг мазмуни очиб берилмайди. Айрим муҳим фондларгагина тўла таъриф берилади. Қисқа маълумотноманинг мақсади асосан архив фондлари таркибини кўрсатишdir.

Кўрсаткичлар асосан кириш, қисқартирилган сўзлар рўйхати, исмлар, географик, предмет ва бошқа кўрсаткичлар, изоҳлар, атамалар луғати ҳамда библиографик маълумотлардан иборатdir.

Архив маълумотномаларини нашрга тайёрлаш.

Архив маълумотномаларини эълон (нашр) қилишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди хужжатлари тўғрисида кенг илмий ахборотни ташкил қилишdir. Бу вазифани амалга ошириш учун архивлар кўрсаткичлар, рўйхатлар, шарҳлар, каталоглар ва бошқа маълумотларни нашр этади. Маълумотномаларни эълон қилиш ташкилотлар, илмий жамоатчилик диққатини Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди хужжатларига жалб қиласи ва улардан фойдаланишнинг кенгайишига ёрдамлашади.

Юқорида айтилганидек, архивда маълумотлар кўп ва хилмажиллар. Уларнинг ҳаммасини нашр қилиш имкони йўқ. Шунинг учун уларнинг энг муҳимлари чоп этилади. Биринчи навбатда архив хужжатлари ҳақида умумий маълумотномалар, кўрсаткич ва архив фондлари бўйича қисқача маълумотномалар эълон қилинади. Кейин имконият бўлса, муҳим ва кенг фойдаланилайдиган фонлар рўйхатлари қилиниши, шарҳлар, каталоглар чиқарилиши мақсадга мувофиқdir. Эълон қилинадиган архив маълумотномасининг тузилиши, тарихи илмий асосланган, баён қилиш усулларининг бир хил бўлиши талаб этилади.

Нашр этилаётган маълумотларга қўшимча талаблар қўйилади. Улар суръатлар билан безатилган, иловалар билан таъминланган ва таҳrir қилинган бўлиши керак.

## **Савол ва топшириқлар:**

1. Архив рўйхати деганда нимани тушунасиз?
2. Рўйхат тузишни ташкил қилиш жараёни қандай амалга оширилади?
3. Рўйхат тузиш усули деганда нимани тушунасиз?
4. Йифмагиллар рўйхатини тузиш қандай амалга оширилади?
5. Каталоглар ўзи нима?
6. Архив хужжатларини каталогглаштириш-чи?
7. Каталогларнинг қандай турлари бор?
8. Универсал ўнлик туркуми нима?
9. Алифбо бўйича тузилган каталогларни изоҳлаб беринг.
10. Архив хужжатларини шарҳлаш нима учун керак?

## **9-мавзу: Архив хужжатларидан фойдаланиш.**

### **Режа:**

1. Архив хужжатларидан фойдаланиш турлари.
2. Архив хужжатларидан фойдаланиш ва ундан кўзланган мақсад.
3. Архив хужжатларидан фойдаланиш шакллари.
4. Ўзбекистон Республикиси Миллий архив фонди хужжатлари билан ишлаш.
5. Архив эверистикаси асослари.
6. Хужжатларни аниқлаш ва ишлашни ташкил этиш.
7. Архив хужжатларидан фойдаланишни таҳлил этиш.

### **1. Архив хужжатларидан фойдаланиш турлари.**

Архив хужжатларидан фойдаланиш – жамиятнинг ретроспектив хужжат маълумотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ишлар йигиндиси.

Замонавий архившуносликда архив хужжатларидан фойдаланишнинг асосий вазифалари Ўзбекистон давлатчилигини мустаҳкамлаш, жамиятнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, фуқароларнинг қонуний хукуқлари ва манфаатларини таъминлашдан иборат.

Хужжатлардан фойдаланиш жараёнида икки тараф – хужжатларни сақловчи архив ва маълумот керак бўлган фойдаланувчи иштирок этади. Давлат архивлари фойдаланувчилари давлат ҳокимияти бошқарув органлари, суд, прокуратура, вазирликлар, муас-

саса, ташкилот ва корхоналар, ҳарбий қисмлар, илмий маданий, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фукаролар бўлиши керак. Идоравий нодавлат архивлар фойдаланувчиларининг доираси албатта торроқ бўлади.

Хужжатлардан фойдаланиш мураккаб ва масъулиятли иш бўлиб, ундан юқори савияда малака, билим, илмий маълумотномаларни мукаммал тайёрлаши, манбашунослик ва архив эвристикасидан хабардор бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ушбу фаолият давлат архивларида илмий иш турларидан бири сифатида каралади. Архив ходимлари ва архивларнинг ўзи маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги тўғрилиги ва ўз вақтида етказиб берилишига шахс ва жамият манфаатларига зарар етказувчи маълумотларни бермасликка масъулдирлар.

Республикамизда архив хужжатларидан фойдаланиш очиқлик ва ҳамма учун тушунарли бўлиши кераклиги тамоилилларига асосланилadi. Бу дегани у ёки бу маълумотларни беришни рад этиш қонунга асосан амалга ошишини билдиради.

## **2. Архив хужжатларидан фойдаланиш ва ундан кўзланган мақсад.**

Архив хужжатларидан илмий-тадқикот, халқ хўжалиги, ташвиқот, илмий-маърифий ва ўкув мақсадларида кенг фойдаланилadi. Хужжатли манбалар тарих фанини ривожлантиришда мухим аҳамият касб этиди. Тарихчilar архив хужжатларисиз қимматли далиллар билан асосланган тарихий асарлар яратса олмайдилар. Архив хужжатларига бошқа фан ва касблар вакиллари: ёзувчilar, тилшунослар, санъатшунослар, архитекторлар, биологлар, методиклар, мұхандислар, геологлар ва бошқалар ҳам мурожаат қилишади.

Хужжатлардан фойдаланишдан мақсад, бошқарув, сиёсий, иқтисодий, илмий, амалий, маданий-маърифий, ижтимоий-хукукий бўлиши мумкин.

Бошқарувда хужжатлардан фойдаланиш вазирлик ёки идоралар фаолиятида пайдо бўлган масалаларни архив хужжатлари ёрдамида ҳал этиш бошқарувни янада такомиллаштириш назарда тутилади. Масалан муассасанинг истиқболи режа ёки лойиҳалар давлат бошқарув аппарати ислоҳотини ўтказишида, хукукий меъёрий хужжатларни қабул қилишда архив хужжатларидан фойдаланиш зарур. Чунки улар ёрдамида олдин қабул қилинган хужжатларнинг камчиликлари ёки ютуқли томонлари билан

таққослаш мұккамалроқ ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам беради.

Ҳужжатлардан сиёсий мақсадда фойдаланиш қонун лойиҳала-ри, ислоҳотлари дастурлари, турли сиёсий партия ёки гурухлар сайлов тортишувларида, расмий миллий архив фондига күра ва давлат сиёсатини тарғиб қилишда, давлат хавфсизлигини мус-таҳкамлашда маймурий ҳудудий чегараланишлар ўтказишида, ҳалқаро битимлар тузишида, давлатларарап чегараларни аниқлашда, бузғунчи ғояларга қарши қурашишида кенг фойдаланилади.

Иқтисодий мақсадда ҳужжатлардан фойдаланиш күп киррали бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- иқтисодий ривожланишини башорат қилиш ёки режалашти-ришида;
- лойиҳа ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оши-ришида:

-Геологик ва тоғ кон ишларини амалга оширишида архив маълумотларини ўрганиш ўз самарасига эга. Гидротехник, мелио-ратив, қурилишлар, алоқа йўллари, саноат ва яшаш жойларини лойиҳалаштириш ва қайта тиклашда илмий техника ва картогра-фик ҳужжатлардан фойдаланилади:

- илмий ва амалий тадқиқотларни амалга оширишида;
- ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни такомиллашти-ришида. Маданий ва тарихий ёдгорликларни қайта тиклашда архив ҳужжатларидан фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маърифий мақсадларни акс эттиради.

Илмий мақсадда ҳужжатлардан фойдаланиш архивда сақланада-ётган тарихий манбалар асосида тадқиқотлар олиб боришида ифо-даланади.

Маданий-маърифий мақсадларда фойдаланиш юбилей кўргаз-малари, музей экспозициялари, маърузалар, очерклар, рисолалар тайёрлашда, экскурсиялар ташкил этишида, оммавий ахборот воси-таларида ҳужжатларни нашр этиш ёки эълон қилишда фойда-ланилади. Шунингдек, рассомлар, архитекторлар, санъатшунос-ларнинг реставрация (қайта тиклаш) ишларида ҳам, ҳужжатлари ва бошқа манбалардан ҳам кенг фойдаланилади.

Ижтимоий-хуқуқий мақсадларда фойдаланиш ўз ичига фуқароларнинг қонуний манфаатларини кўзловчи сўровномаларни бажаришни, уларга берилган имтиёзларнинг мулкий даҳлдор-лигини исботлашни қамраб олади. Сўровномалар мавзуси ҳарбий хизматни ўтаганлиги, маош микдори, меҳнат стажи, маълумоти,

фуқаролик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкун. Ижтимоий-хуқуқий сўровноманинг ҳал этилиш натижалари бир неча мавзули сўровномалардан алоҳида гурухга ажратилган. Уларнинг бажарилиш муддатлари ҳам аниқ белгиланган.

### **3. Архив хужжатларидан фойдаланиш шакллари.**

Архив хужжатларидан турли мақсадларда хилма-хил йўллар билан фойдаланилади. Масалан: олий ўқув юртларида хужжатлардан ўқув мақсадларида куйидагича фойдаланиши мумкин: архив хужжатларидан нусхалар олинниб кўргазма ва музей ташкил қилиниши мумкин. Ўзбекистон тарихининг айрим мавзулари бўйича хужжатлар тўплами тайёрланиб, ундан дарсда, семинарларда фойдаланиш мумкин.

Давлат архивлари хужжатларидан фойдаланиш бошқа идоралар билан ҳамкорликда ҳам амалга оширилади. Масалан, хужжатлар кўргазмаси музейлар билан биргаликда тайёрланади. Хужжатларни газета ва журналлар орқали эълон қилиш, улар асосида радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар тайёрлаш, газета ва журналлар таҳририятлари, телестудиялар, радиостанциялар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Давлат архивларида хужжатлардан фойдаланиш қуйидаги шакллари қўлланилади:

1.Идоралар архив хужжатларининг мазмунидан хабардор қилиб туриш. Шу мақсадда архив ахборот ёзиб ёки архивда сакла наётган у ёки бу мавзуга доир хужжатлар рўйхатини тузиб идораларга жўнатади.

2.Давлат архиви хужжатларини эълон қилиш фаолияти. Бу мақсадда архивларда хужжатлар тўпламлари тайёрланиб, улар нашриётлар орқали чоп этилади ва кўпгина хужжатлар газета ва журналларда босиб чиқарилади (хужжатларни эълон қилиш усули археография курсида ёритилади).

3.Хужжатлардан фойдаланишнинг асосий шаклларидан яна бири ўқув хоналарида фойдаланишdir. Ҳар бир давлат архивида ўқув хонаси мавжуд бўлади. Тарихчилар ва бошқа тадқиқотчилар хужжатлардан бевосита архив ўқув хонасида фойдаланишади.

4.Кўргазмалар ташкил қилиш, альбомлар, плакатлар чиқариш. Тарихий юбилейларга, муҳим воқеаларга, машҳур кишилар юбилейларига бағишлиланган кўргазмалар ташкил қилинади, альбом ва плакатлар чиқарилади, кўргазмаларга хужжатлар, фотосуратлар, хариталар, китоблар ва варақалар, шунингдек, бошқа манбалар қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

5.Илмий-оммабоп рисолалар, матбуот учун мақолалар, радио-эшиттириш ва телекўрсатувлар тайёрлаш. Давлат архивлари илмий ходимлари архив ҳужжатлари ҳақида, айrim тарихий мавзулар бўйича рисолалар тайёрлашади. Уларнинг мавзулари муҳим тарихий воқеаларга бағишланган бўлади. Бундан ташқари улар матбуотда архив тўғрисида, унинг ҳужжатлари тўғрисида мақолалар ёзиши, телевидения ва радиода чиқишилар қилиши, муҳим аҳамиятга эга ҳужжатларни чоп этишлари мумкин.

6.Хужжатлардан фойдаланишнинг яна бир йўли – бу архивда тарих дарслари ўтишни ташкил қилиш ва ўқув юртлари учун кўргазмали ўқув қуроллари тайёрлашдир. Университетлар, институтлар, коллеж, лицейлар ва мактаблар ўқитувчилари айrim тарих дарсларини архивда унинг ҳужжатларидан фойдаланиб ўтишлари ҳам мумкин. Тарих курсининг айrim даврлари, мавзулари бўйича диафильмлар, кинофильмлар, ҳужжатларнинг фото-нусха тўпламларини тайёрлаш мумкин.

7.Архив ҳужжатларидан фойдаланишнинг муҳим шакли – бу архив маълумотномалари, ҳужжатларидан нусхалар, кўчирмалар беришдир. Ташкилотлар, фуқаролар архивларга ҳар хил маълумотлар сўраб хат ёзишади. Фуқаролар кўпинча у ёки бу идора, ўқув юрти, корхона ёки хўжаликларда ишлаганлиги ёки ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, маълумотлар сўраб мурожаат қиладилар. Давлат архивлари фуқароларнинг бундай сўровларига архив маълумотномалари тайёрлаб берадилар. Архивнинг бу маълумотномаси асосида фуқаролар кексалик нафақаси олишади. Айrim ҳолларда фуқаролар ўқув юртини тугатганлигини тасдиқловчи дипломларини йўқотиб, ўз мутахассислигини, маълумотини тасдиқловчи ҳужжат сўраб архивга мурожаат қилишади. Архив бу ҳақда асосли маълумотнома бера олади. Худди шундай архив ташкилотларидан айrim ҳужжатларини сўраб ёзган хатлари бўйича ҳам сўралган ҳужжатларнинг нусхаси тайёрланиб, тасдиқланиб жўнатилиши мумкин.

8.Давлат архиви йигмажилларни ташкилотларга улардан вақтингачалик фойдаланиш учун ҳам бериши мумкин. Ҳужжатлардан фойдаланишнинг бундай шакли айrim ҳолларда олий давлат органлари, суд, прокуратура, давлат хавфсизлиги органларининг талаблари бўйича амалга оширилади.

Фойдаланишнинг ҳар-бир тури бўйича архивлар томонидан амалга оширилувчи маълум бир информацион (ахборот) хизмат тури. Фойдаланишнинг асосий шакллари:

- ташкилот, унинг таркибий бўлимлари ва фуқароларнинг талабларига мос равища ахборот таъминотини амалга ошириш (мавзули сўровномалар);
  - фуқароларнинг хукуки ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сўровномаларни бажариш;
  - архив ҳужжатлари тўғрисида муассаса ва ташкилотларга ташаббусли ахборотлар тайёрлаш;
  - тадқиқот олиб бориш учун архив ўкув хоналарида фойдаланишга ҳужжатларни бериш;
  - асл нусха йигмажиллар ёки ҳужжатларни вақтингчалик фойдаланишга бериш;
  - ҳужжатларни нашр этиш;
  - илмий ва маданий-маърифий мақсадларда информацион тадбирлар – ҳужжатлар кўргазмаси, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, маъруза, экскурсиялар, очик эшиклар, дарслар ва бошқа маърифий ишлар ўtkазиш.
- Сўровнома фойдаланувчига зарур бўлган маълумотнинг аник мавзуси, географик ва даврий чегараси кўрсатилган ташкилот хати ёки фуқаронинг аризасидир.
- Сўровномани бажариш - архив ҳужжатларида акс эттирилган маълумотларни қидириш ва истеъмолчига тақдим этиш.
- #### 4. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари билан ишлаш.
- Ҳукуқий асосда Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасида белгилаб қўйилган. Унга асосан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат архив фондининг ҳужжатларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга ҳақлидир.
- Нодавлат архив фондининг ҳужжатлари, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг хусусий мулки сифатида ўзида сақланаётган архивлар юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки сифатида ўзида сақланаётган архивлар юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиши учун фонд эгаларининг розилиги билан берилиши мумкин бўлиб, улар архив ҳужжатларининг асралишини таъминлаш мақсадида улардан фойдаланишни чеклашлари мумкин. Ушбу чеклашлар ҳизмат топширигини бажараётган ҳукуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи органларнинг ходимларига нисбатан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда татбиқ этилмайди.

Архив хужжатларининг махфийлик даражаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг давлат ва тижорат сирини ўз ичига олган хужжатлардан фойдаланишга доир чеклашлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёки уларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи маълумотларни ўз ичига олган чеклашлар, хужжатлар тайёрланган вақтдан эътиборан 75 йил муддатга белгиланади. Ушбу муддатдан олдин ана шундай хужжатлардан фойдаланишга фуқаронинг ўзи томонидан, унинг вафотидан сўнг эса унинг меросхўрлари томонидан рухсат берилсагина амалга оширилади. Давлат архив муссасалари давлат архив фонди хужжатларидан фойдаланишни, улар илмий-техник ишловдан ўtkазилаётган ёки қайта тикланаётганлиги муносабати билан чеклаб қўйилиши ҳукуқига эгадир.

### **5. Архив эвристикаси асослари.**

Эвристика - юононча "хеуриско"- қидирмоқ, кашф этмоқ сўзидан олинган бўлиб, ҳозирги кунда янги билимлар олиш методикаси ва самарали ижодий фикрлаш жараёнини ўрганувчи фан сифатида юритилади. Архив эвристикаси - жамият манфаати йўлида ва тарихий тадқиқотларда архив манбаларидан самарали фойдаланиш орқали ретроспектив (мозийга, ўтмишга тегишли) хужжатли маълумотларни амалга оширишда қўйидагилар зарур:

1) Ўзбекистон Республикаси миллий архив фондини ташкил этиш ва давлат архивларида сақланувчи хужжатлар комплексини шакллантиришнинг илмий тамоили мавжудлиги;

2) давлат ва маълум бир соҳа муассаса архивларининг идоравий сакловхоналарини замонавий миллий архив фонди ташкил этишда ягона тизим сифатида шакллантириш;

3) давлат архивларини ҳисобга олиш ва илмий-маълумотнома аппарати тузишнинг мавжудлиги.

Шунингдек, ҳар бир архив ходими архив маълумотномаси ёрдамида ахборотни қидириб топиш методикасини билиши зарур. Хужжатларни қидириб топиш бир неча босқични ўз ичига олади.

### **6. Хужжатларни аниқлаш ва ишлашни ташкил этиш.**

Хужжатли маълумотларни қидириб топиш дастлаб архив шартли белгиларини (шифри) аниқлашдан бошланади. Шартли белгилар (шифрлар) йигмажилд ёки ҳужжат муковасига қўйилган бўлиб, улар ёрдамида архив ҳужжатхонасидан керакли ҳужжатни бехато топишда кўлланилади.

Иш юритишида хужжатларни қидириб топишда архив шифри вазифасини хужжатнинг қайд рақами, агар хужжат йиғмажилдга тикилган бўлса, номенклатура бўйича йиғмажилд индекси бажарилади. Тадқиқотчи томонидан архив ўқувхонасида йиғмажилларни олиш учун буюртма беришда архив шифрига асосланиб топографик кўрсаткичлар ёрдамида сўралган йиғмажилдни топиб беради.

Топографик кўрсаткич – архив жамгармаларининг архив хужжатхоналаридағи жойи ҳақида ёзма қайд ёзилган (тоза варакларда) маълумотнома. Шундай қилиб, хужжатни қидиришда, энг аввало, архив шифрини аниқ билиш зарур.

Иш юритишида, идоравий ва давлат архивларида хужжатларни қидириш ўзига хос хусусиятга эга.

Иш юритиши хизмати ходимлари бирор-бир зудлик билан ҳал этилиши керак бўлган масала юзасидан тез-тез хужжатларни қидириб топишларига тўғри келади. Агар иш юритиши бошқарувни хужжат билан таъминлаш ягона давлат тизими асосида олиб борилса бирор-бир хужжатларни қидириб топишда муаммо бўлмайди. Иш юритишида тугалланмаган хужжатни қидириб топиш учун рўйхатга олиш назорат картотекасига мурожаат этиш керак.

### **7. Архив хужжатларидан фойдаланиши таҳлил этиши.**

Иш юритишининг компьютерлаштирилган тизими ривожланиши билан анъанавий картотекалар аста-секин рўйхатга олиш маълумотлар базаси ва иш юритишининг автоматлаштирилган тизими билан алмаштирилмоқда. Рўйхатга олиш электрон тизими-нинг ютуқлари шундаки, хужжатларни қидириб топиш, хужжатнинг бирон-бир реквизити ёки реквизитлари йигиндисига кўра амалга оширилади.

Хужжат реквизити – ёзма хужжатнинг у ёки бу турига хос бўлган мажбурий ахборот (муаллифи, санаси, номи ва ҳоказо кўрсатилиши) таркибий қисмидир.

Хужжатнинг бирон бир реквизити маълум бўлса, архив ходимлари маълумотлар базаси ёрдамида бир неча сониялар ичida сўралган масала бўйича барча хужжатларни топиб беради.

Давлат архивларида хужжатларни қидириб топиш ва таҳлил қилишда маълумотларни қидириш босқичларида амалга ошади. Дастреблабки босқичда тадқиқотчи мавзусига оид хужжатлар қайси муассаса ёки ташкилот фонdlарида бўлиши аниқланади.

Иккинчи босқичда керакли ҳужжатлар сақланувчи архив фонди рақами ва номи аниқлаштирилади.

Учинчи босқичда фонд рўйхати ёрдамида йифмажиллар архив шифри аникланади.

Тўртинчи босқичда фонд рўйхати ёки каталог ёрдамида йифма жилд шифри аникландгандан сўнг буюртма расмийлаштирилади.

Ҳар бир фойдаланилган йифмажилд учун архив ҳужжатларидан фойдаланиш вараги тўлдирилади.

Архив ҳужжатларидан фойдаланиш вараги-йифмажилд ичига ёки микрофильмлар қутисига солиб қўйиладиган ва мазкур йифма жилддаги ҳужжатлардан ким, қачон ва қандай мақсадда фойдалангани ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган архивнинг ҳисобот ҳужжатидир.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Архив ҳужжатларидан фойдаланишнинг қандай турлари мавжуд?

2. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва ундан кўзланган мақсад нима?

3. Миллый архив фонди ҳужжатлари билан ишлашнинг аҳамияти қандай?

4. Архив эверистикаси асослари нима?

5. Ҳужжатларни аниқлаш ва ишлашни ташкил этиш қандай амалга оширади?

6. Архив ҳужжатларидан фойдаланишни таҳлил этишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

## **10-мавзу: Архив ишини замонавий техника воситалари билан таъминлаш.**

### **Режа:**

- 1.Архив ишида қўлланувчи замонавий техника воситалари.
- 2.Архивда техника тараққиёт босқичлари.
- 3.Архив ишида фойдаланувчи техника воситаларининг турлари.
- 4.Архив ишида ахборот-комуникация техникаларининг турлари.
- 5.Электрон ҳужжатлар ва архивлар.

## **1. Архив ишида қўлланувчи замонавий техника воситалари.**

XX аср охирида компьютер технологиялари инсон ҳаётининг барча соҳалари, жумладан, архив муассасалари фаолиятини ҳам қамраб олди.

Архив ва кутубхоналар ишида янги информацион технологияларнинг татбиқ этилиши ҳужжатли маълумотларга эга бўлиш имкониятини кенгайтиради. Архивлар ахборот бойлигини илмий таҳлил этиш имкониятини оширди. Архив ҳужжатларини қидириб топиш (архив эверицикаси)нинг янги усусларини, ҳужжатларни янгича нашр этиш шаклини ва маънавий омилларидағи (СД-РОМ ва ДВД) маълумотларни яратиб жаҳон маълумот тармоқларига архивларнинг информацион ресурсларини жойлаштириш интеграция жараёнини тезлаштиради.

Умуман олганда, ишлаб чиқариш тармоқларини бугунги кунда техника воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Улар ёрдамида қўл меҳнати енгиллаштирилди ишлаб чиқариш вақтини тежаш орқали иқтисодий эҳтиёжларини кондириш имконияти ошиди, режалаштириш, ҳисоб-китоб ишлари осонлаштирилди.

Жумладан, архивларда техника воситаларидан фойдаланиш масаласига тўхталсак, ташкилий ишлар бўйича қўлланиладиган техниканинг қуидаги асосий гурухларини ажратиб кўришимиз мумкин:

1-матнли ҳужжатларни тузиш ва тайёрлашда қўлланувчи техникалар (ёзув машиналари ва компьютерлар).

2-ҳужжатлардан нусха кўчириш ва қўпайтиришда қўлланувчи техникалар (ёруғлик, электр, иссиқлик, офсет, спирт ёрдамида ишлатиладиган воситалар), фото ва микрофото кўчириш воситалари. Масалан, микрофильмлаштириш, суратга тушириш йўли билан олинган микронусха бўлиб, унда асосий ролни ғалтакли фотоплёнка (ғалтакли микрофильм) ёки текис шаффоф фотоплёнка (микрофильм) ёки текис хира фотоплёнка (микрокарта)лар бажаради.

3-ҳужжатларга ишлов бериш реставрация (қайта тиклаш) воситалари, сақлаш ва ҳужжатларни бир жойдан бошқа жойга етказиб бериш (транспортировка) техникаси.

4-кино, сурат, овозли ҳужжатлар ва видеотасмалар тайёрлаш техникаси.

5-чизмачилик ва ҳисоб-китоб ишларида қўлланувчи техника.

6-ахборот ва сигнал бериш воситалари (телефон, факс, интер-

нет, видео, кузатувчи, радио, телевизор, қўриқлаш ва ёнгин хавфидан сақловчи билдиригичлар).

Архив ишини информациялаштириши информатика фанининг назарий ва амалий ишланмаларини архив ишига татбиқ этиш ёрдамида архив хужжатларига ишлов бериш технологияларини тақомиллаштириш жараёни ва архивларда компьютер техникаси ҳамда дастурний таъминотидан фойдаланиш асосий вазифа ҳисобланади.

Хозирги кунда архивлардан хужжатларни топиш иши бир зумда амалга оширилади, бу вазифа замонавий техника воситаларида жуда кулай ва жуда осон бажарилади. Ҳар қандай фойдаланувчи бемалол архив хужжатларидан фойдаланиб, иш юритиши мумкин.

## **2. Архивда техника тараққиёти босқичлари.**

Архив ишини механизациялаш ва автоматлаштириш тарихини бир нечта босқичларга ажратиш мумкин.

I-босқич. XIX аср охиридан XX асрнинг 50-йилигача бўлиб, унда дастлабки техник воситаларининг пайдо бўлиши (фото, кино ва овоз ёзма аппаратларининг кашф этилиши)дан идоравий архивларда ёзув машинкалари ва ҳисоб-информациян ускуналаридан фойдаланиш жараёнларини ўз ичига олади.

II-босқич. Собиқ Йиттифоқ миқёсида информатиканинг ривожланиши натижасида 1960 йилларда фанлараро олиб борилган тадқиқотлар асосида “архившуносликда информацион ёндашув” ривож топди. Бу даврнинг асосий натижаси архивларда информацион тизимлар яратиш ва хужжатлар маълумоти классифициясининг назарий асосларини шакллантиришдан иборат бўлди.

III-босқич. Ҳудудий ва архивлараро автоматлаштирилган ахборот қидирув тизимини (ААҚТ) яратишда амалий тажрибаларни бойитиш жараёни бўлди. Архив ишида автоматлаштирилган тизим қўламини микроплёнка, магнит тасмалар, дисклар ва электронинформацион намуналар ЭҲМ персонал ЭҲМларнинг, шунингдек, ААҚТ учун маҳсус амалий дастурларнинг яратилиши натижасида ривожланди. Айниқса архив ишини автоматлаштирилган тизимини жорий этиш кучли таъсир ўтказди. Бунинг натижасида архивчилар олдида 1980 йиллар бошида ҳисоблашга мўлжаллаб тузишлган машина асосли хужжатларни давлат сақловига қабул қилиш масаласи пайдо бўлди. Мазкур давр бошқарув тизимини автоматлаштириш жараёнини назорат қилиш бўйича самарали тажрибага эришганлиги билан қимматлидир.

IV-босқич. Архивларни ялпи равишда компьютерлашни ўз ичига олади. 2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳукуқий-меъёрий хужжатлари асосида иш юритиш ва архив иши соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Иш юритишда муайян маълумот (ахборотни) ўзида мужассамлаган хужжатлар тарихий аҳамияти, уларнинг қимматлилиги аниқланади ва сақлови таъминланади. Бундан ташқари хужжатларни консервация ва реставрация қилишда янги информацион технологияларнинг татбиқ этилиши, улар ёрдамида суғурта ва умумий фойдаланиш фондларининг яратилиши қимматли тарихий хужжатларнинг сақлаш муддатини узайтириш имкониятини яратмокда.

### **3.Архив ишида фойдаланувчи техника воситаларининг турлари.**

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида ҳар соҳада бўлгани каби архив ишида ҳам замонавий техника воситалари қўлланилаб келинмоқда. Компьютерлаштирилган архив хужжатларидан фойдаланишининг яхши йўлга қўйилган, архивлардан фойдаланувчи тезда топиб улардан фойдаланиши учун ҳамма шароитлар яратиб берилмоқда. Ушбу архивлардан архивчилар, жамиятшунослар, тарихчилар ва маданият муассасаси ходимлари, шунингдек, олий ўқув юртларининг тарих факультети талабалари кенг фойдаланиб келишмокда.

Ҳозирги кунда архив ишида фойдаланувчи техника воситаларининг бир неча турлари мавжуд. Буларга: компьютерлар, нусха кўчиргичлар, факс, телефон, интернет, телевизор ва қўплаб ахборот технологиялари киради. Информатизациялаштириш обьекти деганда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш натижасида архив иши йўналишларини ривожланиши тушунилади.

Ҳозирги кунда давлат ва муассасалари (идоравий) архивлар фаолияти информатизацияси обьектига қуидагиларни киритиш мумкин:

- архивларни бутлаш ва хужжатларни экспертиза қилиш;
- архив ахборот-қидирув маълумотномасини яратиш ва татбиқ этиш;
- архивларни бутлаш манбаи ҳисобланган муассаса ва ташкилотларда яратилувчи электрон асосда тайёрланган хужжатларни қабул қилиш, сақлаш ва қидириш,

- архив хужжатларини ҳисобга олиш ва сақлашни назорат қилиш;
- суғурта ва фойдаланиш фондларини яратиш;
- архивга муассаса, тадқиқотчилар ва фуқаролардан келиб тушган сўровномаларнинг бажарилишини назорат қилиш, ахборот-маълумот иши;
- иш юритишни назорат қилиш ва идоравий архивларда иш юритишнинг автоматлаштирилган тизимини татбиқ этишда қатнашиш;
- иш юритиш автоматлаштирилган тизимларни татбиқ этиш ва электрон хужжатлар алмашишини назорат қилиш.

Архив иши информатизациясининг мақсади архивчи меҳнатини енгиллаштириш, архивдаги хужжатларни ҳисобга олишни аниқлиги ва тезлигини ошириш, муассаса хужжатларининг айланнишини статистик таҳдил қилиш ва умумий маълумотлар олиш, сўровномаларни бажариш тезлигини ошириш хужжатлар сакловини таъминлаш, яъни ноанъанавий асосларда архив хужжатларини рақамли фото нусхалари ва сканерлаш ёрдамида суғурта ва фойдаланиш фондларини яратиш.

Асосан архив ишида маълумотлар базаси технологияси ва информацион технологиялар (рақамли хужжатлаш, тармоқ технологиялари) қўлланилади.

Маълумотлар базаси шартли равшда ҳисоб ва ахборот қидирув базаларига бўлинади. Булар тузилиши, яратилиш усули, қўлланувчи дастурий таъминотлар билан бир-бираидан фарқ қиласди.

#### **4. Архив ишига ахборот-коммуникация технологияларининг турлари.**

Бугунги кунда Республика архив ишига ахборот технологияларини жорий этиш масаласига тўхталсак: 2005 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикасида Президентимиз И.А.Каримов томонидан “Ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК 117-сонли Қарори қабул қилингандан сўнг соҳа бўйича умумий фойдаланишга мўлжалланган режалар ишлаб чиқилди. Уларга асосан архивларда ахборот технология ресурсларини кескин кўпайтириш ва ривожлантириш, интернет ёрдамида кенг маълумотлар берувчи ахборот каналларини яратиш, электрон архивларни жорий этиш ҳамда ахборот хизматини кенгайтириш ва такомоллаштириш бўйича 2010-йилгача бўлган дастур ва аниқ мақсадли тадбирлар режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

коммуникациялаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш кенгашида тасдикланди. Ишлаб чиқилган дастур ва режа асосида қуидагилар амалга оширилди;

- Республика Марказий Давлат архивларида веб-сайтларини 10 01 ўз ичига олган “Архивлар Кенгаши” яратилди ва интернетга жойлаштирилди;

- амалдаги телекоммуникация алоқа каналларидан фойдаланилган ҳолда “ЎзАрхив” агентлигини корпоратив тармоғи яратилди. Мазкур тармок ёрдамида Республика Марказий Давлат архивлари ва ҳудудий архив бошқармалари билан доимий узлуксиз алоқа ўрнатилди;

- Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва “Ўзинфоком” маркази билан ҳамкорликда маҳсус лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳа доирасида ўта ноёб ҳисобланган архив хужжатларининг электрон каталоглари ва рўйхатлари асосида электрон баъзаси структураси (тизими) ишлаб чиқилди ва ҳозирда ушбу баъзанинг дастурий план формаси яратилмокда;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви локал тармокка уланган компьютер ва видеокузатув қўрилмалари билан жиҳозланди. Хужжатларни сақлаш ва химоя қилиш тизими янги техник воситалар ёрдамида кучайтирилди;

- барча ҳудудий архив иши бошқармалари интернет тармоғига уланди. Электрон почта орқали ахборот ва маълумотлар билан алмасиниш имконияти яратилди. Албатта юқорида қайд этилган тадбирлар Республика архив ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган оммавий фаолиятлардан бири саналади.

## **5. Электрон хужжатлар ва архивлар.**

Иш юритиш соҳасида компьютер технологияларидан фойдаланишга ўтиш жараёни электрон шаклда яратилган хужжатларни тартибга солиш, сақлашни ташкил этиш масаласини келтириб чиқармоқда.

Электрон шаклдаги хужжатлар ташкилот ходимлари томонидан компьютерда яратилиши, электрон почта ёки факс модем ёрдамида қабул қилиниши ва ёзма хужжатлардан сканер ёрдамида электрон нусхалар тайёрланиши мумкин.

Яратиган ёки қабул қилинган хужжатни компьютер хотирасидаги қаттиқ дискда файл шаклида ёзиб олиш ва сақлаш мумкин.

Электрон хужжатларни тартибга солиш учун энг аввало компьютернинг қаттиқ дискида ишчи хужжатлар жойлаштирилади-

ган папкаларини яратиш зарур. Мазкур папкалар ичида қўшимча папкалар яратиш ва уларда ҳам алохида ҳужжатлар файлини жойлаштириш мумкин.

MS Office пакетида “Менинг пакетларим” номли папкаси мавжуд бўлиб, унга ходимлар томонидан яратилувчи Янги папкалар жойлаштирилади. Агар компьютерда ишловчи ходимлар сони кўп бўлса, ҳар бири ўз фамилияси билан папка яратиши ва зарурий ҳужжатларни файллар шаклида унда сақлашлари мумкин.

Бироқ ташкилот миқёсида кўп сонли электрон ҳужжатларнинг яратилиши ва уларни зарур ҳолларда тез қидириб топиш имконини яратиш учун, ташкилот йиғмажилдлар номенклатурасига мос равишда папкалар тизимини яратиш зарур. Бунда ҳужжатлар турига қараб тақсимланади.

Папкаларнинг номланиши ҳужжатлар туридан бошланиб (ҳисобот, йиллик режа, баённомалар, буйруқлар ва х.к.) кенгайтиради.

Жорий иш юритишда файлларнинг сақланиши қаттиқ дискларда амалга оширилади.

Электрон шаклдаги умумий маълумотномалардан кенг фойдаланиш мақсадида ташкилотларда компьютерлардан бири “файлсервер” сифатида фойдаланиш учун ажратилади. Бу бир вактнинг ўзида маълум бир маълумотдан бир нечта ходимнинг фойдаланиши имкониятини яратади.

Компьютер технологияларидан самарали фойдаланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири бу – электрон шаклдаги ҳужжатларни ишончли равишда сақлашдан иборат. Электрон ҳужжатларни сақлаш муаммосининг ҳал этилиши қуидагиларга боғлиқ:

- барқарор электр таъминоти;
- қўшимча (резерв) нусха олиш;
- антивирусли ҳимоялар;
- ёрдамчи дастурлар воситасида ҳужжатларни профилактика ва диагностикадан ўтказиш.

Биринчи масала осон ҳал этилган бўлиб, бу компьютерларни барқарор электр манбаи билан таъминлашдан иборат. Бунинг учун маҳсус узлуксиз таъминот манбаи деб номланувчи воситалардан фойдаланиш кифоя.

Иккинчи - қўшимча нусхалар олишда керакли маълумотларни дискета, магнит тасма ёки лазер дискларга ёзиб олиш тушунилади.

Бунда маълум бир техник сабабларга кўра йўқ бўлган маълумотларни қайта ишлаш имкони яратилади.

Учинчи йўналиш маҳсус ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида маълумотларни вируслар таъсирида йўқ бўлишидан ҳимоялашга қаратилган.

Антивирус дастурлар компьютерларга вируслар тушишини олдини олиш билан бирга заарланган файлларни аниқлаш ва даволашга ҳам мўжалланган. Айниқса вируслар локал тармоқка уланган тизимда хавфли бўлиб, улар битта компьютер орқали барча тармоқдаги компьютерларни заарлантириши мумкин. Вирусларнинг асосий манбаи - бу дастурий таъминотлар (асосан ўйинлар), заарланган диск ёки дискеталар билан заарланган макровируслар MS Word ва Excel хужжатлари бўлиши мумкин.

Шунинг учун диск ёки дискета ёрдамида маълумотларни кўчириб олишдан олдин ҳар бир ходим уни текшириш учун антивирус дастуридан фойдаланиши керак.

Локал тармоқка уланган компьютерларнинг заарланишини олдини олиш учун дисководларни ўчириб қўйиш зарур. Бу ҳол ташкилот маълумотларининг норасман четга чиқиб кетишини ҳам олдини олади. Чунки дискларга маълумотларни ёзиш ёки улардан кўчириб олиш тажрибали ходим томонидан амалга оширилади ва у ҳар бир маълумотни сақланиши учун жавоб беради.

Компьютерларни вируслардан ҳимоя қилишнинг турли дастурлари ишлаб чиқилган. Жумладан Aidstest, Doctor Web, Adinf, AntiVirtual Toolkit Pro, Norton Antivirus ва бошқалар.

Тўртинчи компьютерга ўрнатилган дастурларни бир-бирига мос тушмаслиги ва дастурий таъминотнинг етарли ишлаб чиқилмаганлиги натижасида рўй берадиган узилишлар. Дастурий таъминотлар яратиш соҳасида олиб борилаётган рақобатлар ва ҳар 2-3 йили ҳужжатлар билан ишлашига қаратилган янги дастурларнинг яратилиши ҳар доим ҳам эски дастурлар билан мос тушавермайди. Шунинг учун компьютерга керагидан ортиқча янги дастурлар ўрнатиш керак эмас.

Компьютерда қанча оз дастурлар жойлаштирилган бўлса, шунчалик тасодифий узилишлар ва носозликлар ҳам учрамайди. Агар янги дастур ўрнатиш зарур бўлса, уни маҳсус кузатувчи дастурлар ёрдамида киритиш ва зарур бўлганда ўчириб ташлаш керак.

Умуман олганда компьютер яхши ишлаши учун ҳар доим антивирус дастури билан таъминланган бўлиши, дискет ва дисклар-

даги маълумотларда вирус текширилиши ва яратилган хужжатлар қўшимча сақланиши керак.

Иш юритищда хужжатдан фойдаланиш якунига етгандан сўнг уни электрон архивларга сақлаш учун юборилади. Хужжатлар тўғрисида маълумотлар базаси уларни қайд этиш чоғида шаклланади. Маълумотлар базасидан ахборот ишлари учун фойдаланилиб, улар ҳажмига кўра дискета ёки дискларга ёзилиши мумкин.

Катта ҳажмда хужжатлар алмашуви олиб борилувчи ташкилотларда маълумотлар, яъни узоқ ҳажмига кўра дискета ёки дискларга ёзилиши мумкин.

Хужжатларни сақлаш муддатлари уларнинг шаклидан қатъий назар сақланиш муддатлари кўрсатилган хужжатлар рўйхати йифмажиллар номенклатурасига асосан белгиланади.

Узоқ муддатли ва доимий сақланувчи хужжатлар учун бугунги кунда CD-R дисклари тавсия этилади. Улар маълумотларнинг тасодифий ўчириб ташланишининг олдини олишни кафолатлайди ва CD-ROM билан жиҳозланган ҳар қандай компьютерда файлларни ўқиш имконини беради.

Умуман олганда дискеталарда маълумотларни сақлаш муддати – 3 йилгача, лазер дискларда – 15-16 йилгача ва магнитооптик дискларда – 170 йилгача деб кафолатланган.

Электрон хужжат алмашинувига тўла ўтган ташкилотлар архив сақловхоналари эгаллаган ер майдонини қисқартириш имконига эга бўлади. Бундай ҳолларда маълумотлар хуқуқ тартибот органлари ва назорат органлари талабига биноангина қофозли асосда чоп этилади.

Электрон хужжатлар билан бутланувчи архивларда қўшимча кўчириш муддатлари, сақлаш муддати ва шароити, жавобгар шахс тўғрисидаги меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилиши ва маҳсус архив тўғрисида Низом қабул қилиниши зарур.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Архив ишида қўлланувчи замонавий техника воситалари турлари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Архив ишини информатизациялаш неча босқичдан иборат?
3. Информатизациялаш обьекти нима?
4. Информатизациялаш мақсади нима?
5. Микрофильтрилаш деганда нимани тушунасиз?
6. Электрон архив нима?

7. Электрон шаклдаги ҳужжатлар қандай сақланади?
8. Нима учун күшімча (резерв) нұсха олинади?
9. Антивирус ҳимоя тизими деганда нимани түшунасиз?
10. Ҳужжатларни электрон шаклда сақлашнинг ижобий томонлари, нималардан иборат?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **И.А.Каримов асарлари.**

- 1.И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”. Ўзбекистон.  
-Т.: 1997.
- 2.И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Ўзбекистон.  
-Т.: 1998.
- 3.И.А.Каримов “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”.  
Ўзбекистон. -Т.: 2001.
- 4.И.А.Каримов “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ ке-  
рак”. Ўзбекистон. -Т.: 2002.
- 5.И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Ўзбекис-  
тон. -Т.: 2008.

### **Қўшимча адабиётлар.**

1. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”. Ўзбекистон.  
-Т.: 2009.
2. “Архив ишлари бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш  
тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги  
482-сонли Қарори.
3. “Архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори  
(26.08.2008 й. 194-сон).
4. “Архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш  
тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (03.02.2004 й. 49-  
сон).
5. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни (ЎзР. 11.12.2003 й. 562-II-сон Қонуни).
6. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика-  
си Қонуни (ЎзР. 11.12.2003 й. 560-II-сон).
7. “Ахборотлаштириш соҳасида норматив хукукий базани та-  
комиллатириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси Қарори (ЎзР.  
ВМ 22.11.2005 й. 256-сон Қарори).
8. “Ўзбекистон Республикасининг Архивлар тўғрисида”ги  
Қонуни – 1999 йил 15 апрелдаги 786-I-сонли.

### **Асосий дарслик ва қўлланмалар.**

1. Алимов И., Эргашев Ф., Бўтаев А. Архившунослик. Ўқув  
қўлланма –Т.: Шарқ , 1997
2. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма-Андижон,  
2005.

3. Государственные архивы СССР. Справочник в 2-х частях.  
—М.: Мысль, 1989. Часть 2.
4. Исакова М., Иофе В. Архившучнослик. Ўқув қўлланма –Т.: Чўлон, 2007.
5. Митяев К.Г. Теория и практика архивного дела. Учебное пособие —М.: 1946.
6. [www.archiv.ru](http://www.archiv.ru)
7. [www.history.ru](http://www.history.ru)

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1-мавзу: «Архившунослик назарияси ва амалиёти» фанининг мақсад ва вазифалари .....	5
2-мавзу: Ўзбекистонда архив ишини бошқаришнинг хукуқий асослари.....	9
3-мавзу: “Архив хужжатлари ва архив хужжати” тушунчаси .....	18
4-мавзу: Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди.....	25
5-мавзу: Архивлар жамғармасини бутлаш.....	32
6-мавзу: Ўзбекистон Республикасида Миллий архив фонди хужжатларини ҳисобга олиш .....	41
7-мавзу: Ўзбекистон Республикаси архив ишини бошқариш тизими.....	48
8-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хуж- жатларига илмий маълумотнома аппаратини ташкил этиш.....	53
9-мавзу: Архив хужжатларидан фойдаланиш.....	67
10-мавзу: Архив ишини замонавий техника воситалари билан таъминлаш.....	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	85

**БАХТИЁР БОБОҚУЛОВ**

**АРХИВ ИШИ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ**

*(Илмий-оммабон нашр)*

*“Сано-стандарт” – Тошкент, 2011*

Нашр учун масъул *M. Умирова*  
Мұхаррир *A. Тилавов*  
Техник мұхаррир *M.Қосимова*

Наш лиц. № А1 177, 03.01.2011.


Босиши 23.12.2011-йилда рухсат этилди.

Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма. Шартли б.т. 5,11. Нашр б.т. 4,92.  
Адади: 150 нұсха. Буортма рақами №13/11-1. Баҳоси шартнома асосида

“Polimexanika” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Мұқимий 1-тор күча, 7-үй.

**ISBN 978-9943-396-47-0**



9 789943 396470